

*Неъмат Алминов*

# ҚИТИҒИ ЎЛМАГАН ҚИЗ



*Ҳикоялар  
Ҳажвиялар  
Табассум учқунлари*

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1994

**Аминов, Неъмат.**

- А 59 Китиғи ўлмаган киз: Ҳикоялар, ҳажвиялар, та-  
бассум учқунлари.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош таҳририяти, 1994.— 112 б.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов-  
нинг кейинги йилларда вақтли матбуот саҳифаларида эълон  
қилинган ҳикоя, ҳажвия ва табассум учқунлари киритилган.

«Бир кунни масҳара расмлар устаси Наримон Иброҳимов  
билан сафарга чиқдик. У содда, самимий киши. Москвада  
туғилган кишлоқда деярли бўлмаган. Мухарриримиз Ибро-  
ҳим ака, анови буғдой дарахтларига қаранг, деса,лар ҳам ишо-  
нади. Айланиб, айланиб, пода боқилаётган яйловга келиб  
қолдик. Бир буқа сигирларни кийратиб қувиб юрарди.

Наримон ака:

— Қаранг, қаранг,— деди кийкириб,— хотинбоз экан!

Шунда мен...»

Унда сиз: китобни варақланг!

Китобни варақлаган ўқувчи жамиятимиздаги ўзгаришларни  
тушуниб етмаётган айрим кимсалар устидан кулиш билан  
бирга ҳақиқий кулгунинг моҳиятини англаб етиши шубҳасиз.

## МАНГЛАЙДАГИ ҒУРРАЛАР

### ҚЎЛ ҲАҚКИ

Хусндан, кадди-коматдан қарзимиз йўқ. Бўй — 190, кош-кўз қоп-қора, кўкрак ва билакларнинг жуни олти ойлик тойчоқнинг ёлидай. Кўчада юрсам, рўпарамдан чиққан аёл зотики бор беш-ўн кадам ўтмасданок орқа ўгирилиб изимдан қарамай иложи йўқ. Ҳамма аъзолар Эҳсон аканинг кадрларидай жой-жойига қўйилган. Фақат кейинги пайтлар кулоқ жиндай ишқал чиқарди. Аслида кулоқ дегани эшитиб турса хаҳўб, акс ҳолда қаллага ёпиштирилган икки парча гўштдан фарқи бўлмай қоларкан. Ҳаммаси кичишдан бошланди. Қун сайин кичишгандан кичишаверди. Қулоғим. Қўлларим қовлашдан бўшамай қолди. Қўрсаткич бармоғим билан, жимжилоғим билан қовлайман. Қулоғимни. Қичик сал босилгандек бўлади-ю, бироздан сўнг яна бошланади. Беихтиёр гугурт чўпими, хотиннинг соч қистирғичими ёки қаламнинг орқасиними тикаман. Қулоққа. Охир-оқибат қовлай-қовлай ишдан чиқардим. Қулоқни. Қиздирилган зиғир ёғи, пиёзнинг суви-ю атир ҳам фойда бермади. Яхши эшитмаёса гаранггами, анқовгами, доводиргами ўхшаб қоларкансан киши. Ёнгинамда биронинг лаби қимирласа ҳам «Нима?» дея кафтимни орқасига тутаман. Унимас, қулоғимни. Ҳалиги одам гапини тақрорлашдан аввал:

— Қулоғингиз оғирроқми? — деб сўрайди.

— Йўқ, ботил, — дейман айбимни бўйнимга олиб, — қарроқ.

Хуллас, яқин бир дўстим шапқўрлигини даволаган табиб қизга учрашишимни маслаҳат берди. Унинг айтишича ўша қиз ниҳоятда чиройли, келишган эмиш. Вужудида бир электр истансанинг қуввати яширинган, дейди. Ўн метр наридан туриб кафтлари билан кишининг юзларини лов-лов ёндирармиш. Қўлларини ишга солса ҳар қандай майиб, мажруҳ аъзо ҳам ҳаракатга келиб қоларкан. Ушламасданок.

Қўнғлимда қатта умид туғилиб, гарангсиб сўрадим.

— Каерда ишлайди ўша киз?  
— Филармонияда.  
— Қўшиқ айтадими?  
— Йўқ, ўша ердан патент олган, колаверса томоғи бўғилган артистларнинг овозини созлайди, оёғи лат еган раққоса-ю, касалланган санъаткорларни даволайди. Жуда ҳаким киз...

Хуллас; излаб кетдим. Табиб кизни. Излаган Маккани топаркан. Топдим. Ўша «электр истанса»ни. Халлиги дўстим таърифлагандан ҳам гўзал, истараси иссиқ, рассом Абдуворис айтмоқчи «балулдайгина» киз (кейин билсам жувон) экан. Тушга яқин етиб бордим. Филармонияга. Одам сийрак. Табиб киз саҳна орқасидаги кичик бир хонага олиб кирди. Эшикни ичкаридан илиб қўйди. Иккаламиз ёлғиз қолдик. Киз билан. У жим, мен жим. Қаерингиз оғрийди, деб сўрамадим. У девор томондаги усталга, мен ундан беш метрча бериюкда ўтирдим. Усталга.

— Қўзларингизни юминг! — дея кичкирди у. Қўзларимни юмиб, кафтларимни сонларимни устига ковуштирдим. — Қалай, иссиғим боряптими? — деб сўради. — Ҳозир... юзларингиз қизийди. Қалай?..

Гўғрисини айтсам, ҳали хонага кириб, иккаламиз ёлғиз қолгандаёқ юрагим дук-дук уриб, бетларим қизиб кетган эди.

— Ҳа, исияпти, — дедим.

Бироздан кейин у, курсингизни бериюк опкелинг, деб буюрди. Яқинроқ сурилдим. Усталим билан. Ўнг тиззам унинг оёғига тегиб кетди.

— Қўлингизни беринг, — деди киз босиқ шивирлаб. Ё парвардигор, унинг овозини кушод эшитяпман-а. Чўздим. Қўлимни. Қўлимни кафтига олиб сийпай бошлади. Юмшоққини, иссиққина. Кафтлари. Жимирлаб кетди. Баданим. Сизгиларим гўё бир нуқтага йиғилгандек бўлди. Қулоғимга: Қиз аввалгидан ҳам пастрок шивирлади?

— Нима?

— Қулоғингиз яхши эшитмас экан.

— Шундай, бироз оғирроқ.

— Хўп, қўлимни сиқингчи.

— Нима?

— Қўлимни қисинг, — деди у кафтимни силкиб, — кучингизни кўрайликчи. Бўлинг, жонингиз борича сиқинг! Бўлинг, оғримайди... ҳа....

Жоним борича қисдим. Ўнг қўлини. Мик этмади.

Чарос кўзлари билан башарамга маънос тикилиб, жилмайиб тураверди. Харчанд унинг гулгун чехрасида бирор ранж, ёки изтироб сезилмасди.

— Бўлди, — деди у катъий. — Қани энди орқага ўгирилинг. Ўгрилдим. Қиз «ВЕСТОК» кўйлагимнинг орқа этагини кўтариб, нозик бармоқлари билан умуртка поғонамдаги нукталарни бир-бир босиб, чертиб кўра бошлади. Бармоқлари мунча ёқимли. Думғазага яқин ердаги бир нуктани босиб кўраркан, кўкраги елкамга тегиб, баданимга тўқ югургандек бўлди. «Электр истанса» ишга тушди чоғи» — Мана шу ерингиз оғрийдими?

— Йўқ, — дедим.

— Унда яхши.

— Нима яхши?

— Қувватингиз ёмон эмас, — деди қиз қулоғим остида. — Буёққа ўгрилдинг.

Ўгрилдим. Яна тиззаларим унинг оёқларига тегиб кетди. Бақамти ўтирибман. Қиз билан.

— Гап бундай, — деди қиз мулоғим, сирли пичирлаб. — Аёлларга тобингиз қалай, уялманг, тўғрисини айтаверинг, оилали, бола-чақалиман.

— Тўғрисини айтсам, — дедим ишшайиб, — ҳар қандай аёлга бир марта яқинлашсам бўлди, бир умр изимдан қолмай, эргашиб юради...

Ғаиб қиз ер остидан маъноли қараб:

— Совға-саломни қуюқ қилсангиз керак-да, — деди.

— Совға-саломга пул қаёқда дейсиз, ўзим зўрға кунимни кўриб, аранг чоригимни судраб юрибман...

Ғаиб қиз қикирлаб қулиб юборди.

— Унда биринчи марта учрашганда кўпам ўлибтирилманг, акс холда...

— Шундайми? — дедим энтиқиб.

— Шундай, — деди қиз қулгидан тийилиб.

— Жжоним...

— Олинг қўлингизни...

Билмадим кейин нималар бўлди. Иккала қулоғим остида бир йўла даҳшатли шарақлаш эшитилди-ю, лунжимга тушган навбатдаги зарба, йўқ, тепкидан учиб кетдим. Елкам билан деворга урилдим-да, тирсақларимга сўянганча чўзилиб қолдим...

«Ўх, лаънати қаратғчи экан!»

Даҳанимни қафтим билан бекитиб ўрнимдан турдим. Ноилож тупурдим. Ғаиб қиз эшикни очиб турарди...

— Чикинг, батамом тузалдингиз, — деди жилмайиб. «Туркинг курсин!»

Чикдим. Шу-шу кулокларим бутунлай тузалиб кетди. Фақат бир нарсадан афсусдаман. Ўшанда табиб кизга «кўл ҳаққи» бериш эсга келмабди. Бўлса келарди-да... Эсим...

## КУПОН

### *саргузашт ҳажвия*

Тонгга яқин тушимга Горбачев кирибди. У Янаевни кучоқлаб, ўпиб турганмиш. Бир пайтлар Брежнев Менгисто Хайде Мариамни ўпгандек сўриб-сўриб ўпармиш. «Чўлп-чўлп-чўлп!» Янаев титроқ кўллари билан қаршилиқ кўрсатмоқчи бўларкан. Шу аснода ғойибдан «Минутичка» деган овоз эшитилибди. Кўпларга таниш ингичка овоздан беихтиёр кулиб юбордим ва ўз кулгимдан уйғониб кетдим. Гашқаридан «Стой! Стрелять буду!» деган кичкириқ эшитилди. Сапчиб турдим. Бирок, ҳа, деганда ўк отилавермади. Гарангсиб дераза ёнига бордим. Тунука жаранглади. Орқадаги гаражларга ўғри тушганга ўхшайди. Чала-чулпа кийиниб ташқарига отилдим. Тахминим тўғри чикди. Ўғри кўшнимиз, милиса майори Валерий Қосимовичнинг гаражига тушган экан. Икки-уч киши тўпланиб турарди. Валерий Қосимович ўрисча сўкиниб ер тепинди:

— Сволич... тутсам ўлдираддим!

— Нега тутмадингиз?

— Қочди, қочмаса тутардим, — деди у ишонч билан. Унинг тўппонча ушлаган кўли дир-дир титрар, бу менга шу кунларда телевизорда қайта-қайта кўрсатилаётган ва ҳозиргина тушимда бошқача ҳолда намоён бўлган Янаевнинг кўлларини эслатди.

— Отмадингизми?

— Отардим-у, ёш бола экан, ўлиб қолса одамлар митингга чиқади, биласиз, яна биз айбдор бўлади.

Валерий Қосимович постда экан, сахарликда касал қайнанашидан хабар олай деб келса, гаражи теппасида бир шарпа юрганмиш. Ўғри гаражнинг теппасини очишга улгурган экан. Уни ёпишга жасур ва жонқуяр мелиса майорига ёрдамлашган бўлдим. Ора-орада, кани энди барча ОМОНчи-ю мелисалар ҳам сизга ўхшаб сабр-тоқатли бўлса, дея уни мактаб кўярдим.

Атиги ярим соат ичида шунча таассурот. Нахотки



тушим ўнгидан келган бўлса. Ҳечамда. Собиқ ҳукумат раҳбарларининг ўпишиб туриши қаёқда-ю қўшинининг гаражига ўғри тушиши қаёқда. Гуш лавҳалари хаёлимдан сира нари кетмасди. Ўзимча ҳар нарсаларга йўйиб кўрдим. Бўлмади. Таъбирнома китобини олдим. Йўк, буниси тўғри келмайди. Гуш қахрамонлари ўрисларку. Шунинг учун ўрисча таъбирнома — «Донник»ни олиб варакладим. «Бўса — «Ўпич» деган сўзларнинг рўпарасига «севгига хиёнат» деб ёзилди. Хўш, бу эр билан хотин ўпишгандаги таъбир. Эркак билан эркак ўпишса-чи? Китобдан бунинг ҳам таъбирини топдим: Бир хил жинсдаги кишиларнинг ўпишиши, «душманлик» экан. Аслида бу тушни таъбирламаса ҳам бўларкан. Чунки ГКЧПнинг такдири ҳаммага аён-ку. Ўзимизнинг мусулмонча таъбирномада тушинг алағда бўлса, садака бер, деб ёзилгани эсимга тушиб кўнглим бироз ёришди, етти танга садака атадим.

Ишга отланаётганимда хотин:

— Купон билан нон олиб келиш эсингиздан чиқмасин, — деб тайинлади.

— Купонми, нонми? — деб сўрадим.

Хотиннинг энсаси котди.

— Уч кундан буюн телевизор купон деб жаврайди, нахотки эшитмаган бўлсангиз? Бугундан эътиборан нон купонга берилади. Кеча бизларга тарқатишди.

Хотиндан эллик сўмлик кизғиш купонни олиб йўлга тушдим. Трамвайда ҳамманинг оғзида купон хангомаси. Менга ўхшаб хали купонни кўрмаганлар анча экан.

— Вой, қуриб кетсин, энди кўпўни чикибдими, — дея шанғилларди бир кампир, — талўн ўлгир бекор бўптими?

— Йўк, талўни ҳам бор, купўни бошқачарок, — деди лаблари қуюк бўялган шаддод жувон.

— Канака экан?

— Вей, анучи, деворга ёпиштирадиган абўй бор-ку, худди абўйнинг ўзгинаси.

— Гулқоғоз денг, — дея лўқма ташлади кўринишдан талабага ўхшаш йигит.

— Қизиксиз-а, муллака, — деди шаддод жувон, — абўйни абўй дейди-да.

— Аввало абўй эмас, обой, қолаверса давлат тилида гулқоғоз дейилади.

Жувоннинг жини баттар кўзиди.

— Унда айтингчи, муллака, давлат тилингизда купўни нима дейди?

Йигит бир муддат талмовсираб, ўйланиб қолди. Юқори лаби пир-пир учди сўнг:

— Қадимда бизнинг турк давлатида купон бўлмаган, шунинг учун бу сўзни ўз ҳолича ишлатса бўлаверди, — деди.

— Қадим турк давлатингизда абўй ҳам бўлмаган-ку, — деди жувон ҳам бўш келмай.

— Обой бўлмаса-да гулқоғоз бўлган, — деди йигит катъий...

Баҳс яқун топмай бекатда тушиб қолдим. Йўл усти хўжалик моллари дўконига кирдим. Қишлоқдан келган бир отахон сотувчи киз билан масала талашарди.

— Нима дединг?

— Паншаха учун купон берасиз.

Отахон ўнг кафтини қулоғи орқасига қўйди.

— Қапан дейсанми? — Сотувчи киз «Кино» журналдан бош кўтармай «хнг» деди, чол сўзида давом этди.

— Авваллари пулга олардик, энди қапанга экан-да?

— Ҳа, — деди сотувчи киз.

— Манга қара қизим, қапанни йўк эмас, бор...

— Бўлса обкелинг.



Отахон бозордаги майизфуруш кўшнисининг икки кило майизга бир жуфт калиш, яна бир кишининг бир шиша ароққа тўрт кило ёнғок алмаштириб олганини эслаб, ялнинишга тушди.

— Жон қизим, кел капандан бошқа нарсага алмаштира қолайлик, ахир беш метр сурупни ижрокўмни қоғози билан зўрға олганман... Ўлиб-нетиб қолсам бола-чақалар овора бўлиб юришмасин...

Отахоннинг савдоси пишмади. Сотувчи киз қонунга каттик рия қиларкан, паншахани купонсиз сотмади.

Бозор ёнидаги пасткўчадан юрарканман кават-кават тўн ва яхтак кийган, лўлисифат бақувват киши йўлини тўсиб чикди. Ўнг қўлида хурмо данагидан қилинган тасбех осилиб турарди.

— Қани, омин денг, бойвачча, — деди у фотиҳага қўл очиб. — Ҳазрати Баҳоваддину балогардон қўлла-синлар, кўрган тушингиз ўнгидан келсун, берган садақангиз яхшиликка буюрсун, — унинг кейинги топқирлигидан эриб кетиб ният қилганим еттита бир сўмликни унинг кафтига қўйдим, у суюниб юзига фотиҳа тортди-да, тасбехли қўли билан ёқамдан беозор тутди. — Энди бойвачча, яна бир ўғилболотлик қилинг.

— Хўш?

— Янги чикқан куфўндан бўлса бир сўмгина ҳадия қилсангиз, холига қадар турки-таробатини кўрбамдурмиз.

«Йўғиди-я» дея бир амаллаб ундан қутилдим-у чапга бурилдим. Қулоғимга ўрисча талаффузда айтилган дуо эшитилди. «Яшасийин Узбекистан, яшасийин мустақиллик! Аллаакбар!» Қарасам Валерий Қосимович. У юлдузли, аскарча эски телпагини олдига қўйиб олган ногирон тиламчини тўсиб турарди. Бироз кузатган бўлдим. Валерий Қосимович соч-соқоли ўсган, бурни кип-қизил тиламчининг телпагига чақа ташлади.

— А купони, братан? — деди тиламчи ўнг кўзини қисиб юкори қараркан.

— Пока нема? — деди кафтларини ёзиб. Орқадан яқин бориб секин унинг тирсагидан тутдим. У ялт этиб менга қаради-ю:

— Нишший икан, бичара, — деди шолғомдай кизариб.

Гавба! Зап ғалати замон бўлди-да. Садака сўрайдиганлар бир чеккада қолиб, садака берадиганлар кизаришса-я...

## МАКОМ СЌҚМОҚЛАРИДА

*Тилга ихтиёрсиз —  
Элга эътиборсиз.*

*А. Навоий*

Жамоа-колхоз идораси ёнидаги ховлимиздан чиқиб, кишлоқ шўроси — кишлоқ совети — кишлоқ кенгашигача пиёда келдим. Йўл четида турган эдим «Гезтиббий ёрдам» машинаси секин келиб тўхтади. Қарасам, шароб-май-ароқ-вино заводида бош муҳандис-инженер бўлиб ишловчи қудамиз Асқар аканинг кўёви, ҳамширасининг турмуш ўртоғи Ҳаким — табиб-дўхтир-врач Қосимжон экан. Йўл бўлсин, деди. Депараноҳия-туман-район марказигача ола кетинг дедим. Ўтиринг деди. Орқага — касал ташийдиган замбил — ўтирдим. Бир зумда белгиланган манзилгоҳ-унвон-адресга етиб келдик. Қосимжонга раҳмат айтиб, хайрлашдим. Хўжалик моллари дўкони-хозмаг ёнидан ўтиб, пештокига «Автобусгоҳ» деб ёзилган янги бинога келдим. Улов тайёр экан. Вилоят-водий-ўлка-область марказига йўл олдим. Бозордан жиянга шўрданак харид қилдим. Сўнг «Алдаркўса» номидаги «Дехкон бозори» ёнидан тайёрагоҳ — қўналға — учиш майдони — аэропортга катновчи тез юрар — экспресс автобусига ўтирдим. Хайрият тайёра-учкич-учоқ-самолёт-аэропланга чипта-билет-чек сероб экан. Дарров биттасини олиб, жомадонча-дипломатни кўтариб нарвон — трапдан юкори ўрладим.

Эсон-омон Гошкентга ҳам келиб тушдим. Ҳамма ёкка давлат тили мақоми берилгани сезилиб турибди. Офарин! Худога минг катла шукр. Биқинига Гайёрагоҳ — Москва остонаси (Подмосковье) деб ёзилган 77-тезюрар — экспресс «Икарус»га ўтирдим. Автобус оилавий пудрат аъзоси шофёр — хайдовчи чипта-чек-билет — бермади. Фрунзе савдо марказида тушиб, ярмарка-савдо растаси орқали Низомий номидаги олийгоҳ — дорулмуаллимин — пединститутга етиб келдим. Гасвирий санъат — рассомчилик куллиёти — факультетига чиқиб, жиянни суриштирдим. Ётоқхона — хобгоҳ — общежитийда дейишди. У ерда ҳам йўқ экан. Зерикиб кетдим. Ойнасига «П» ва пештокига «Ўзномалар» деб ёзилган дўкончага рўпара бўлдим. Бир чол савдо қилиб турарди. Олифта.

— Журнал борми? — деб сўрадим.

— Қанақасидан, — деди чоʻл мийиғида кулиб, — журнал ҳам ҳар хил бўлади, оқаси.

— Қанақаси бўлсаям.

— Сизга ойнома керакми, мажалла керакми, ёки жариди?

— Менга журнал керак.

— Бўлмаса манг, — деди у «Муштум»нинг янги сонини узатиб.

— Буям ойномами?

— Йўқ, бу ойда икки марта чиқади. Бу — мажалла. Ойнома керак бўлса, марҳамат. «Саодат»ни ўқинг.

— Майли, буларни ҳам ўқиймиз, илтимос, бўлса битта жариди ҳам топиб берсангиз...

— Нега бўлмас экан, марҳамат, «Хаёт ва иктисод» бор...

Битта журнал оламан деб, роппа-роса уч сўм бериб бирваракайига ойнома, мажалла ва жариди олганимдан бошим кўкка етди.

— Бугунги газеталар борми?

— Рўзнома керакми ёки ҳафталик?

— Менга газета керак.

Чолнинг энсаси котгандек бўлди. Менга ўхшаш саводсиз ўқувчини биринчи кўриши бўлса керак, тушунтира бошлади.

— Манг, мана бу «Совет Ўзбекистони», «Халқ сўзи», «Ёш ленинчи» булар рўзнома дейилади.

— Яхши, берақолинг.

— Энди мана булар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ишонч», «Неделя» — ҳафталик ёки ҳафтанома дейилади.

Бекорчиликдан шаҳар айландим. Йўл-йўлакай вазирлар — нозирлар — министрлар кабинети ва Олий Кенгаш жойлашган бино олдидан ўтиб халқ таълими вазирлигига кириб чиқдим. Юрагим куйиб кетди. Вазирлик куйисидаги «Музқаймоқ кафеси» дан морожна едим.

Ўрда орқали «Пахтакор» ўйингоҳига кесиб чиқдим. Мезбонлар «Днепр» жамоасини қабул қилишаётган экан. Ўйин яримлаб қолган. Ҳисоб: бирга-бир! Пойкадамим ёқмади, шекилли, днепрликлар пахтакорчилар дарвозасига иккинчи тўпни уришди. Ўйингоҳни ташлаб чиқдим... Аламдан қон босимим кўтарилиб, таксигоҳга келиб такси ёлладим. Хайдовчига, тўғри олийгоҳ — дорилмуаллимнинг хайданг, дедим. Гушунмади. Пединститутга, девдим, э, бундай демайсизми, ака деди. Ха,

шунака деб ёўлдирадим, тилимизга давлатгоҳ, олийгоҳ мақомгоҳ берилгач, шунака бўлди, акагоҳ, дедим. У афтимга бир ўкрайиб каради-ю, яна тезликни оширди. Бир пасда етиб келдик. Яхшиям жияним кўтиб турган экан. Буни карангки, уям футболгоҳга тушган экан. Овкатланмоқчи бўлдик. Кафегоҳга кирсак, шароби йўк экан. Ресторангоҳга кира қолайлик, дедим. Овкатландик, жиндай-жиндай ичиб, ётоқгоҳга кайтдик. Вакт алламаҳал бўлган эди. Хобгоҳга чўзилиб бошимга чойшабни тортдим. Бўлмади. Етган еримдан овознигор — радиони кўйиб, бироз кўшиқнигор — концерт эшитдим. Овознигорнинг унолгич — сўзолгич — микрофони яхши ишламас экан, нукул хир-хир килди. Ўчириб кўйдим. Ўўнг мизчирок — стол лампани ёкиб, чошгоҳ олганим мажалла — ойнома — жариди, рўзнома, ҳафталик, уч ойлик, олти ойлик...ларни варақтай бошладим...

## ИХТИРО

Жияним билан шаҳар айланиб юрган эдик, рўпарадан кўзлари чакчайган, ҳаво иссиқ бўлишига қарамай одми костюм-шим, эски духоба шляпа кийган бир киши менга қараб жилмайиб кела бошлади. Ким бўлди экан? Башараси таниш-у, лекин оти ҳам, қаерда ишлаши-ю, қаерда кўрганим ҳам эсимда қолмабди!

— Ҳа, Мавлоно, — деди у кироат билан, — танимадилар-а!

«Мавлоно» демаганда, эҳтимол бутунлай танимаган бўлардим. Бу Мэлс Донаев! Бундан ўттиз йилча олдин Киров номидаги шаҳар халқ ижодий уйида очилган драма тўгарагига бирга қатнашардик. Бўйимиз бир қарич бўлса-да, мен Навоий роллида, у Мансур роллида ўйнаганмиз. Ўшанда Мэлс кишлоқ хўжалик техникумида, мен институтда ўқирдик.

— Нега танимас эканман, — дедим хушёр тортиб. — Сиз, ўша Мэлс Донаевда.


— Бале! — деди у сахна тилида, — унутмаганларини учун ташаккур. Ажойиб даврлар экан, ўша йиллар.

Мэлсининг қўлида бурчагига «Ўзбекистон қорақўлчилари V қурултойи» деган белги қўйилган эски қора папка бор эди. Хол-аҳвол сўрашдик.

— Энди гап бундоқ Мавлоно, — деди у қўлимни каттиқ қисиб, силқиркан. — Бир меҳмон бўлиб кетасиз.

— Бошқа вақт.

— Йўк, бошқа вақт эмас, hozир. Гапни кам қилинг,



Мавлоно. Борасиз, вассалом. Қўркманг, захар бермайман, — деди у «Алишер Навоий» драмасидаги кўрнишни эслаб. — Борсангиз кўрасиз, ажойиб ихтироларим бор. Етти ўйлаб тушингизга кирмаган. Езувчисизку, эҳтимол янги бир асар туғилар. Кетдик. Дарвоке, бу укани таништирамадингиз.

— Жияним, Муроджон, мадрасада ўқийди.

— Химм, тузук-тузук. Дини исломга кенг йўл очилгани зап яхши иш бўлди-да. Юринглар, машина тайёр, бир пасда ғиз этиб борамиз.

Муроджон билан «бўпти кетдик» маъносида кўз кисишиб олдик. Донаев бизни эски мачит куйиисидаги очик саройда қўйилган каноти пачок, оқ жигулисига ёнига бошлаб келди. Машинага ўтирар эканмиз:

— Кишанлаб қўймаса бўлмайди, — деди у педал ва рул чамбарагига уланган кишанни оча туриб. — Ҳозир ўғри кўп... Менимча, ўғриларнинг ҳам марди кўп бўларкан, — деди у машинани ўт олдириб, саройдан хайдаб чиқаркан. — Нима бўлибди, бир кун минг кун эмас-ку, бир пас яйраб ўтираминиз, — деди «ўғрининг мардлиги» хакидаги гапини якунламасдан.

Мэлс шаҳар яқинидаги ховлисига етиб келгунча нуқул ўзи гапирди. Ҳозир ўзи ўқиган техникумда домла экан. Диссертациясини «тахлаб» қўйганмиш. Унинг ҳаммага маълум янгиликларни балан овозда ҳикоя қилишидан аста-секин зерика бошладик. Гоҳида у биздан бир саволни сўраб, жавоб беришга улгурмасимизданок, гапимизни охиригача эшитмай, бошқа томонга ўтлаб кетарди.

Машинани дарвозахонага хайдаб кириб, одати бўйича кишан уриб қўйди. Тўғрида боғ-роғ. Ўнг ва чап томонларда катор қурилган уйлар. Дарахтлар оралтигида экилган йўнғичқа напармон бўлиб гуллаган, сувсирагандай сарғайиб ётибди. Мэлс ўғлини чақириб биз билан саломлаштирди, сўнг югур чой обкел, деб буюрди. Қапталдаги меҳмонхонага кирдик. Муроджон, чойни кейин ичармиз, таҳорат суви берсангиз, деб илтимос қилди. Офтовада сув, сочик олиб келинди. Муроджон таҳорат олиб, намоз ўқишга ўтирганда, Мэлс мени имлаб дахлизга чақирди.

— Менга каранг, Мавлоно, — деди у иршайиб. — Анови муллаваҷчанинг ёнида не удобний, ҳозир юзта юзтадан отиб олайлик. Йўқ деманг энди.

Каттик қаршилиқ кўрсатдим.

— Э, ўзлари ҳам эшон эканлар-да, — деди у шишани сандик ортига яшириб. Муроджон намозни ўқиб бўлгач, бир пиёладан чой ичилди. Мэлс ташқари чиқиб кетди-ю, ҳаял ўтмай қайтиб кирди.

— Зерикмадийлами, Мавлоно? — деди тик турганча қўл ковуштириб, — овқат тайёр бўлгунча бир айланиб келмаймизми? Фермер хўжалигимни кўрсатаман.

Биргалашиб ташқари чиқдик. У бизни бостирма томон бошлаб кетди.

— Манови, кичик хўрозчага каранг, японники, отини «Гайота» қўйганман, — деди сим тўр ортидаги тустовуққа ўхшаш, какликдан сал каттароқ хўрозга ишора қилиб, — жуда зўр, ман-ман деган дакану бобокларни қийкиратиб кувади... Ана уёқда қўтон бор... қўйларим камалган. Юринглар... Э, мана бу ёққа каранг. Бу ангор эчкиси, ўзимизнинг жайдари эчкига чатиштирганман. — Гут дарахтидан бир сиқим барг сидириб олиб, шохлари тарвақайлаган қўчқор олдига борди. — Бунинг отини Гайсон қўйганман... Район чемпиони. Битта янғи «06»га бермаганман... Хоразмдан ОБХС:ни начальниги сўраб келувди. Манман деган қўчқорларни икки каллада қочиради...

Ҳақиқатан ҳам Мэленинг хўжалиги ҳавас қилгувчиги эди. Каптардан тортиб куркагача, қўй, эчки, сигир-бузуккача бор.

— Энди сизларга, — деди у яқиндаги ариқчадан сакраб ўтаркан — ажойиб бир мўъжизани кўрсатаман, шу янгиликнинг ўзи учун менга академикликни берса бўлади, қани юринглар. — Ҳовли этагидаги эрганақни очиб, кўтонга чиқилди. Ўн-ўн бештача қўй иссиқда бошларини солиштириб, оғир-оғир нафас олиб турарди. Мэлс «Хушт» деди, ҳамма қўйлар «гурр» таркаб кетди. — Анови семиз, кулранг қўйга диққат қилинглар.

У кўтонни очиб, қўйларни хайдаб чиқди. Кулранг қўй шохсиз бошини эгканча ер искаб, семиз, бақалок танасини қилпилатиб, майда кадамлар билан юриб кетди. Қўйнинг чўлтоқ супургидек думи ҳам кўтарилгандек бўлди, шерикларини қўйинчи билан туртиб беписанд олдинга ўтиб олди.

— Бир нима сезаяпсизларми? — деб сўради Мэлс. «Йўқ», дегандек елка қисдик. У қўйларни «хайт» дея қайтарди, лекин кулранг қўй изига қайтмади, ер искаб, қалласини чайкаганча, яқиндаги қўлмакка бориб, тумшугини тикди, сўнг аввал чўкиб, кейин бутун танаси билан балчикка ағанади, ўсик жунлари қорайиб, бир-бирига ёпишиб қолди.

Мэлс кулранг қўйга яқин борган эди, хурқиб жон ҳолатда чийиллаб қочиб қолди.

— Нахотки, эндиам сезмаган бўлсаларинг, — деди у мағрур жилмайиб, — ахир қўйнинг характери ўзгарган-ку. Биласизми, қайси жониворга ўхшаб кетяпти?

Муроджон ўйчан жавоб берди:

— Валлохи аълам, айтишга кишининг тили бормайди, чунки қўй жаннатдан чиққан...

— Офарин, жуда синчков экансиз, — деди Мэлс қойил қолиб, — шунинг учун айтарканларда мадраса кўрган, деб. Қойил, лекин бор гапни айтмаслик ҳадисдан эмас. Ҳақиқатан ҳам, бу қўйнинг феъл-атвори дейдими, ҳа, характери чўчқаникига ўхшаб кетади.

Хайратдан қотиб қолдик. Юраклар увишгандай бўлди.

— Бу жонивор қандок шу ҳолга тушиб қолди, — деб сўрадим.

Мэлс Донаев ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини чеккасига яқин келтириб «во!» деди.

— Ҳамма гап шунда-да. Мен бу янгилик учун неча

йиллар азият чекмадим, канчадан-канча тажрибалар ўтказмадим, дейсиз. Охир оқибат мақсадга эришилди.

— Қандок қилиб?

— Келинг, сир бўлса-да айтай, — деди куйиниб. — Лекин оммалаштирмасликка ваъда берасиз. Ахир чет элда бўлганимда аллақачон бу ихтиро учун менга Нобель мукофоти беришарди. Бу ютуққа мен одноразовий махсус шприц билан ҚЖҚда қочирилган совликдан туғилган қўзичоқни она чўчкага маълум график асосида эмизиб, вояга етказиш туфайли эришганман. Икки-уч авлоддан сўнг шу холга келди. Ёўғри, бу хил қўйларнинг характерида салбий ўзгаришлар рўй берса-да, кўп ва серёғ гўшт етиштиришда улкан натижаларга эришилади. Бу иктисодий тангликдан чиқишимизга жуда қўл келиши мумкин.

Муроджоннинг ранги кум-қўй ўчди.

— Навзамбиллохи миназолимин, — деди у баланд, каҳрли овозда. — Чакки овора бўлибсиз-да ўрток, ахир шундоғам бу жафокаш юрда она чўчкани эмиб, вояга етган қўйлар кам эмасдику. Нима қилардингиз, бу жониворни шунчалар қийнаб?

Қўтонда кулранг қўй асабий чийиллади.

— Кетдик!

Муроджон «хайр» ҳам демасдан шарт ўгирилиб, шитоб юриб кетди. Мен ҳам унга эргашдим.

— Қаёкка? — изимиздан югурди Донаев. — Ёўхтанглар, кабоб тайёр, тўхтанглар.


Бу гал унинг ялиниб, ёлворишларига қўнмадик.

## ОЛА ПАЙПОК

Вилоят газетининг муҳаррири Ақром Қамолович тўй-ҳашамларда, ёр-дўстлар даврасида ниҳоятда қувнок, латифагўй ва дилкаш кўринсада, жамоада ўта камгап, талабчан, субутли — салобатли раҳбар эди. Мабодо ёш ходимлар ўзаро гурунглашиб, чекишиб турган бўлсалар, муҳаррирнинг қораси кўриниши билан чўғли сигареталарни дарҳол енг ичига яширишарди. Ақром Қамолович эса бунга эътибор бермай, улар олдидан чекиб, томоқ кириб, ха, яхши юрибсанларми, дея тапиллаб юриб, ўтиб кетарди. Оддий ходимлар унга тўғридан-тўғри эмас, балки бўлим мудирин ёки ўринбосар орқали мурожаат қилишарди.

Бошланғич фирқа ташкилотининг ўша кунги йиғилишида ҳам Ақром Қамолович биринчилар қатори





хайъатга сайланиб, одатдагидек мажлисни ўзи бошқаришга киришди. Расмийат — «птичка» — учун ўтказилган биринчи масала тезда юмалоқ-ёстик қилинди. Иккинчи масала «шахсий иш»га ўтилганда коммунистлар бир-бирларига хавотирли қараб олишди. Чунки бу «иш» кимга тааллуқли эканлиги ҳозиргача сир сақланаётган эди. Шунинг учун мажлис аҳли қулоқларини динг қилиб муҳаррирнинг оғзига тикилишди. Бирок Ақром Қамолович ҳадеганда ёрилавермай, фирқа аъзоларига бир-бир сичков кўз югуртиб чиқа бошлади. Унинг бу қарашидан бировлар типирчилаб, яна бировлар дош бера олмай нигоҳларини ерга олишарди. Ақром Қамолович нимадандир афсуслангандек қалласини бир муддат лиқиллатиб турди, сўнг:

— Ҳурматли азиз коммунистлар, — деди тўйлардагидек сўз бошлаб, факат бу гал «ўртоқлар» ўрнига «коммунистлар»ни ишлатиб. — Бизнинг коллективини ҳақда ўтган окшом шармандали бир воқеа — «ЧП» рўй берди. Бунинг айтишга кишининг тили ҳам бормайди. Простодоз! Инсон шаънига, коммунист шаънига қора доғ...

Мажлис ахли бу «фавкулотда ходиса»дан бутунлай беҳабар бўлса-да, бирор кимса нима бўлибди, нима гап, деб сўрашга журъат этолмади. Ақром Камолович партия-ҳукуматимизнинг қундалик сиёсати, коммунистларнинг авангардлиги, энг сўнггида коммунистнинг ахлоқ-одоби ҳақида даромад гап қилди. Бурчакдан курсининг ёжирлагани эшитилди. У ерда кенг, чиқик елкали, қўллари маймунникидек узун-узун бир йиғит тиззаларига таяниб, энгашиб ўтирарди. Унинг бузукникидек йирик кўзлари бир нуктага узоқ-узоқ тикилиб қолар, шифтга малкайиб караганда томоқ ости — кекирдакка яқин еридан соқоллари чала қирилгани кўзга ташланарди.

— Гап бундок, — деди Ақром Камолович столга «шап» эткизиб ўриб, бундан ҳамма хушёр тортгандек бўлди. — Ўткан чоршанба, кеч соат иккиларда пропаганда бўлимимизнинг мудирини Ҳалим Жабборович навбатчиликдан уйига қайтса, — муҳаррир томоқ қириб, рўмолчаси билан йўғон бўйинини арта туриб, — яхши-си... Ҳалим Жабборовичнинг ўзларидан эшита қолайлик, — деди. — Ўз коммунист Ҳалим Жабборовичга, марҳамат!

Орка томондан дорбозларникидек ихчам коматли, бетлари чўзинчок, оқиш, қоп-қора зулукдек қошларининг учи ингичка йиғит сипо юриб ўртага чиқди. Мухаррир яна бир марта, марҳамат, деди.

— Мухтарам ҳамкасблар, — деди Ҳалим Жабборович, — ўзларингиз биласиз, салкам ўн йилдан бери шу коллективда ишлаб келаман. Шу ерда обрў-эътибор қозондим. Ҳаммамиз учун ҳурматли муҳарриримиз Ақром Камоловичнинг оталарча ғамхўрликлари туфайли шу ташкилот ҳисобидан бир хонали бўлса-да уйли бўлдим, оила қурдим. Энг асосийси, шу ташкилотда шонли Ленин партияси сафига ўтдим. Мен бир умр бу билан фахрланаман.

Ўнгилиш баённомасини ёзаётган хушрўй жувон нотикнинг силлиқ гапиришидан ҳайратланиб, ҳавас билан унга термулиб қоларкан муҳаррир ҳушёрликка чакнади.

— Шахлоҳон, бу кишининг сўзларини тўлиғинча ёзиб боринг, протоколга керак бўлади.

Шахлоҳон няк қоқиб олиб, қайта ёзишга тутинди.

— Шундай қилиб, асосий мақсадга кўчсам, биродарлар, — дея Ҳалим Жабборович изтироб аралаш чуқур сўлиш олди. — Ўша чоршанба окшоми навбатчи

эдим. Навбатчи бўлган кечалари аксар эрталабгача колиб кетишимиз ҳеч кимга сир эмас. Кеча чоршанбада жонажон Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарихий XVI пленуми ҳужжатларини ёритишимиз кўзда тутилаётган эди. Рафикамиз Мохирахонга редакцияда ётиб қолса керак, дедим. Овқатланганимга карамай у киши қолган дўлмадан бир косага сузиб, устига битта иссиқ нон бостириб бердилар. Аксига олиб телетайпдан «Информацион билдириш»дан ташқари материал тушмади. Доклад таржимаси кечикди. Газетага эртароқ қўл қўйишга тўғри келди. Эрталабгача эски диванда гўжанак бўлиб ётаманми, деб, микрорайон орқали уйга яёв жўнадим. Ҳаво салқин, осмон мусаффо, кўкда тўлгин ой сузиб юрибди...

— Ҳалим Жабборович, — деди Ақром Камолович, — пейзажни лавҳа ёки очирик ёзганда тасвирлайсиз, ҳозир максаддан келинг, хўш кейин нима бўлди?

— Кейин, — деди Ҳалимжон озор олгандек чимрилиб, — уйимизга яқинлашар эканман, деразамизда лип этиб чирок ёнганини кўрдим. Ким келди экан? Зоат иккидан чоракта ўтканда. Нахотки яна Мохирахоннинг тишлари оғриган бўлса? Юриб боряпману миямга аллақандай ношаърий хаёллар келиб, қадамларим нуқул орқа тушаётгандек туюлади. Йўлакка кириб, секин эшикка яқинлашдим. Дамимни чиқармай кулок солдим. — Йиғилиш қатнашчилари гўё «Минг бир кеча»дан эртак эшитаётгандек нафас олмай тинглашарди. — Эшикнинг калити солинадиган тешигидан ингичка, олмосдек нур сизиб чиқарди. Бир пайт хонада чирок ўчиб, нур ҳам ғойиб бўлди. Оҳиста эгилиб, тешикка ўнг кўзимни қўйиб ичкарига мўраладим. Дахлизда бир жуфт катта размерли туфли. Ё ажабо! Кимники бўлди экан? Шубҳаларим баттар ошди. Ўнг кафтимни қўйиб, яхшироқ мўраладим. Хонанинг эшиги ланг очик. Ерга жой солинган... назаримда икки киши олишаётгандек. Кўз олдим тиниб, юрагим орқа тортиб кетди. Бир хаёлим эшикни очиб, бостириб кир, деса, яна бир хаёлим, шошилма, сабр қил, дерди.

— Шахлохон, — деди Ақром Камолович, — нега караб қолдингиз, ёзсангиз-чи... давом этинг, Ҳалим Жабборович... шошилмасдан.

— Бир пайт ичкаридан ҳар хил инграган, ихраган овозлар эшитилди. Нахотки ўғри қирган бўлса, деб ўйладим. Эҳтимол Мохирахонни бўғаетгандир? Югуриб пастга тушиб битта пишиқ фишт олиб чиқдим. Энди

эшикни очаман, деб турсам «Вой, жоним... ўлдирдингиз-ку, ноинсоф!» деган нолиш эшитилди. Қалтираб кетдим. Мохирахон!.. Шошма, аввал яна бир разведка қилай-чи, деб тешикдан мўраласам, ярим яланғоч бир габр дахлизда изғиб юрганга ўхшади...

Кимдир «пик» этиб кулди, лекин кулгисини бир йўла сездирмай аксирришга айлантириб юборди. Ақром Камолович унга каттиқ дашном берди:

— Нега куласиз? Бу ерда инсон тақдири, биринчи навбатда коммунистнинг тақдири ҳал бўляпти. Бугун биз воқеани ипидан игнасиғача ўрганиб, керак бўлса ишни терговга оширамиз... Сиз эса Шахлохон, эринмасдан ёзиб боринг. Хўш, давом этинг. Ҳалим Жабборович, шошилмасдан.

Ҳамма жимиб қолди.

— Очиги, чидаб тура олмадим... хонада изғиб юрган ўғри қуроллангандир, деб ўйладим.

— Ҳалимжон, — деди кишлоқ хўжалик бўлимининг мудри Баҳрон ака — ҳали ўзингиз айтдингиз, ичкарида чирок ўчди, деб. Коронғуда туфлю изғиб юрган кишини қандай кўрдингиз?

— Деразадан оининг нури тушиб турарди-да. Хуллас, чидаб тура олмадим. Бир қўлимда ғишт, иккинчиси билан эшикка калитни солдим-у шарт очиб ичкари кирдим. Ғўс-тўполон бўлиб кетди. «Қимирлама, отаман!» дея кичкириб, чирокни ёқдим... Карасам, дахшат, разолат, кабохат!

Ҳалимжоннинг овози қалтираб кетди. — Шўрлик Мохирахон юпка халатда, ёкалари йиртилган, тугмалари узилган, сочлари тўзғиб кетган... «Падарингга лаънат! Жувонмарг! Боскинчи!» — дея хўнг-хўнг йиғлар, унинг юзларига, яланғоч елкаларига шап-шап урардилар.

— Унинг, деганингиз ким, ўғри эканми?

— Ха, ўғридан ҳам баттар, номус ўғриси, боскинчи! Биласизларми, бу ким? Бу — анови шахс! — Ҳалимжон кўрсаткич бармоғини ўк қилиб, бурчакда ўтирган елкалари чиқик йиғитни кўрсатди. — Бу ахлоксиз, бадкирдор шахс Қорёғди Ражаб бўлади!

— Елғон, бўхтон! — дея ўтирган еридан вишиллади Қорёғди. — Ғўхмат қилманг! Қани исботи?..

— Исботи бор, — деди Ҳалимжон чўнтагидан бир пой ола пайпоқни чиқариб ташларкан. — Мана исботи!

— Бу меники эмас. — деди Қораёғди бўкириб, —

эхтимол ўзингизниқидир, ахир бу хил пайпоқдан завут битта чиқармагандир?

Ҳалимжон истеҳзоли кулди.

— Пайпоқни завод эмас, фабрика ишлаб чиқаради, саводсиз... яна бу киши шоир эмишлар. Мен 25 пайпоқ кияман, бунинг размери 29... керак бўлса буни экспертиза аниқлаб беради... тердан бижғиб кетган.

— Гинчланинглар, ўртоқлар, — деди муҳаррир столни чертиб. — Сан Қорёғди, ўтир жойингга, навбатинг келганда гапирасан... Хўш, Ҳалим Жабборович, сиз шундай шармандалиқ устидан чиққанда ўзингизни қандоқ тутдингиз?

— Қандоқ тутардим, — деди Ҳалимжон шу ҳам савол бўлдими, деган оҳангда. — Одатдагидек коммунистларга хос босиқ, совуққон ва вазмин тутдим.

— Баракалло! — деди Баҳрон ака. Қимдир ўзини тута олмасдан кесатди:

— Ўв, менга қаранг, солиб юбормадингизми? Сизнинг ўрнингизда бошқа киши бўлганда иккаласини ҳам чопиб ташларди. Бунақа хотинга уч талок кўйиш керак!

Ақром Қамолович мушти билан столни гурс этказиб урди.

— Менга қаранг, Ато Субҳонович! — деди ер остидан олайиб қараб. — Сиз одамларни нимага даъват этаяпсиз? Мақсадингиз бир совет оиласини, социализм ячейкасини бузишми? Шунини яхши билингки, бизда оила муқаддас, оила бирлиги — коммунистик жамият бирлиги демакдир!

Ато Субҳонович кулимсираб «кечирасиз билмабман», дея иккала кўлини кўкрагига кўйдди.

— Ато ака, — деди Ҳалимжон алам билан. — Уни урсам манам уриб билардим, пишиқ ғишт ҳам бор эди, лекин мен бу хил шахсларга қўлимни теккизишга ҳазар қиламан. Энди айтганингиз талок масаласига келсак, мен хотинимга ўзимга ишонгандек ишонаман. У шўрлик нима қилсин? Қуни бўйи ишлаб, иссиқда толиқиб, чарчаб, кечаси эшикни қулфлаш эсдан чиқиб, ухлаб қолибди. Манови маккор эса, ўғри мушукдай секин кирган... Мохирахон уйқу аралаш аввалига мени навбатчиликдан келгандир, деб ўйлабдилар, анови ифлос зўрламоқчи бўлгандан кейингина сезиб қолибдилар...

— Эҳ-ҳа, — деди Баҳрон ака оғзини ярим очганча, — ҳушёрликни қаранг-а!

— Партия мажлисини сиркка айлантиришга ҳеч

кимнинг ҳаққи йўқ, — дея ўшқирди Ақром Қамолович. — Давом этинг.

— Биласизларми, биродарлар, менга ҳеч нима алам қилган эмас, фақат битта нарсадан хўрлигим келиб кетди. Залнинг ўртасида тўйимизда қилинган атлас, духоба кўрпа-ёстиклар сочилиб ётарди. Тўйимиздан бери ҳали бирор марта уларни ишлатмагандик. Ахир, муштипар оналаримиз шу умид билан бу кўрпаларни тикканмидилар?

— Монолог қилмасдан тўғри-тўғри гапиринг, — деди Ақром Қамолович.

— Хўп-хўп... анови қарокчи кўрпаларни йиқитиб, сандуғимизни очмоқчи бўлган. Мен унинг йўлини тўсиб, кўшниларни чақирмоқчи бўлдим. Моҳирахон дод солиб қўлига илинган нарсани унинг башарасига қараб ирғитарди. Иккитаси унга тегса, биттаси менга келиб тегарди. Мен ҳам ановини роса бўралаб сўкдим. Лениннинг шу хатти-ҳаракатинг коммунистик жамият қурувчисининг ахлоқ кодексига тўғри келадими, ифлос, дедим.

— Офарин! — деди Баҳрон ака ёлғондакам олқиш ёғдириб. — Ҳақиқий пропаганда бўлими мудирисиз-да, койил. Хўш, у нима деди?

— Ҳеч нима, майкачан, кўйлак-шимини қўлтиғига қисганча дир-дир титрарди. «Кўйнинг йиғламанг!» — дея Моҳирахонни юпатмоқчи бўлиб ўғирилганимни билан, тўсатдан қаншаримга теккан муштан ағанаб тушдим. Етган еримдан гишт билан белига солдим. Моҳирахон ҳам бир нималар билан унинг қалласига туширдилар... туфли экан... бу ярамас туфлиларини ҳам олиб, қочиб қолди... кўрқок...

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

— Эндими? — деди Ҳалим Жабборович тишларини ёғирлатиб. — Менинг уйимга бостириб кириб, рафикамни зўрламоқчи бўлганда шармандаларча фош қилинган анави босқинчи, муттаҳам қонун олдида жавоб бериши керак. Гагин у гуноҳсиз бир коммунистни урди, коммунистни ургани, доҳи Ленинга қўл кўтаргани ҳисобланади. Яна мен бунга кандидатликка ўтишни учун рекомандация берганман. Аҳмоқ эканман. Садқайи коммунист деган улуғ ном кетсин, бу! Мен тавсияномамни қайтариб оламан. Ахлоқан бузук, безори, босқинчи шахсларга бизнинг монолитдек мустаҳкам сафимизда ўрин бўлмаслиги керак! Галабим, кандидатликдан ўчирилиб, иши терговга оширилсин!

Анча тортишувлардан сўнг фирка йиғилиши Қор-  
ёғди Ражабни аъзоликка номзодликдан ўчирди. Уни  
ўчириш учун қўл кўтарганлар орасида минг афсус мен  
хам бор эдим. Охирда Қораёғдига сўнгги сўз берилди.

— Менда айб йўк...

У шундай деганча йиғилишдан чикиб кетди ва шу-  
шу редакцияга қайтиб қадам босмади.

Тергов масаласида эса даъвогарлар негадир сустлик  
килишди.

## «ФАРОСАТ»

Телефон шитоб билан жиринглаб колди. Гўшакни  
кўтардим. Ундан бўғик, таҳдидли овоз эшитилди.

— Ўзингизми?

— Ўзимман.

— Мана бу ерда бир ҳажвиянғиз бор экан, «Кизил,  
думи ок, ханги эшак йўрғалаб кетаётиб сувни кўрди.  
Сувнинг ўртасига етганда орқа оёқларини керди...»  
дебсиз. Шундайми?

— Шундай.

— «Эшакнинг думи ок» деганда нимани назарда  
тутгансиз?

— Думининг оклигини-да.

— Унда нега эшакнинг думини аттайин ок деб ёза-  
сиз, кизил, ёки кўк деб ёзмагансиз?

— Чунки эшакнинг ўзи кизил, думи окда.

— Ҳмм... хўп, унда айтингчи, «ханги эшак» деганда  
нимани назарда тутгансиз?

— Эшакнинг хангилигини.

— Ҳмм... хўш, яна?

— Чунки бу эшак нар баъзан ханграб ҳам кўяди.

— «Ханграйди» деганда нимани назарда тутасиз?

— Ханграйди деганда эшакнинг «Иа-иа-иа-аа!»  
деб овоз чиқаришини назарда тутганман.

— Бу ерда «Иа-иа-иа-аа!» демаган-ку.

— Ҳа, энди.

— Бўлмабди.

— Нима бўлмабди?

— Эшакнинг ханграши... хўп, яна бир гап. «Эшак сувни кўрганда орка оёқларини керди» деганда нимани назарда тутгансиз?

— Эшакнинг орка оёқларини керишини-да.

— Хмм... нега эшак аттайи орка оёқларини керади, ёки унинг олдинги оёқлари йўқми?

— Бор, лекин эшак фаросатсиз-да... сувни кўргач орка оёқларини кериб...

— Ха, ана, бефаросат деганда кимни назарда тутяпсиз?

— Эшакни-да.

— Эшак хайвон-ку, унда фаросат нима қилади?

— Тўғри, эшак одам эмас-да, шунинг учун ҳам унда фаросат йўқ.

— Хмм... ана, нега одам бўлмаса уни эшак деб ёздингиз?

— Чунки, у эшак-да.

— Йўқ, тўхтанг, гапни кўпайтирманг, хўп майли, эшакнинг думи ҳам оқ бўлсин, нега уни қизил рангда деб ёзасиз?

— Чунки эшак қизил-да.

— Хўш, энди сиз менга айтинг-чи, эшакнинг фаросатсиз бўлишида қизил деб ёзиш шартми?

— Хўп, розиман, унда эшак қора бўла қолсин.

— Қора дейсизми, нега энди эшак оқ бўлмас экан?

— Бўлди-бўлди, майли эшак сарик бўла қолсин.

— Қайдам. Хим, унда думичи?

— Майли, думи қизил бўла қолсин.

— Э, яна қизил дейсиз-а? Намунча қизилга осилиб олдингиз?

— Майли, эшакнинг думи ҳам оқ бўла қолсин.

— Келишдик. Энди бир гап, эшакнинг ханги бўлиши шартми? Шу эшак урғочи бўлса нима қилади?

— Тўғри-ю, лекин хангги эшак сувни кўрса оёқларини кўпроқ керади-да.

— Урғочиси кермайдими, оёқларини?

— Кўрмаганман.



— Унда шартми, хангининг оёқларини кериши?  
— Энди эшакнинг фаросатсизлигини кўрсатмоқчи эдим-да.

— Менга қаранг, ука, шу эшакнинг фаросатсизлигини кўрсатиш шартми? Шунча одам турганда, нима киласиз гапни кўпайтириб.

— Бўпти, бундан кейин бефаросат эшаклар ҳақида эмас, фаросатсиз одамлар ҳақида ёзганим бўлсин.

— Ҳа, ана бу бошқа гап. Бўлди, келишдик ука. Фақат бефаросат кишиларни ёзганда уларнинг отини аниқ, конкрет қилиб кўрсатишни унутмасангиз бўлгани, Ҳўп, хайр ука.

## АЙРИ

Ховлимизниг орқасидаги томорқа ерда бир туп ўрик кўчати бўларди. Уни данакдан кўкартирганман. Кўчат шамолданми, остидаги тупрокнинг бўшлигиданми анча қийшайиб ўсди. Учинчи йил гулга кирди. Отам толдан йўғонлиги ўғир дастадек келадиган бир айри чопиб олиб, кўчатни тўғирлаб, унга тираб, боғлаб-чирмаб кўйдилар. Энди кўчат ҳар қандай шамолга ҳам дош бериб, коматини тик тутганча мағрур турарди. Отам айрининг учини ерга кўмаётганларида:

— Бу қачонгача туради, ота? — деб сўрадим.

— Залдолучанг катта бўлиб, дарахтга айланса, айрининг ҳам хожати бўлмай қолади, — дедилар, — ҳозир беқувватда, танаси жон олгач, унга айри нимага керак.

— Ҳа.

— Бу йил залдолучанг довучча қилади, сарғайиб пишгач биринчи ҳосилидан Халил бобонгга обориб берасан.

— Нега, ота?

— Чунки Халил бобонг қишлоғимиздаги энг қари, табаррук одам, ният қилиб обориб берсанг, дуо қилдилар. Ўзинг ҳам, залдолучанг ҳам узок умр кўрасизлар.

Халил бобо асли Толибнинг бобоси. Толиб мен билан жўра. Унинг отаси Ҳамид тоға отам билан барабар, иккаларининг ҳам йиллари маймун экан. Лекин отамнинг гапи — кўрчи Ҳамид тоға билан эмас, у кишининг отаси — Халил бобо билан чиқади. Эрталабдан кечгача отамнинг дўконларида ўтиради. Мен дам босаман, Халил бобо чой қуйиб беради. Отам темирни

оловга қўйган пайтларида Халил бобо бир пиёла чой қуйиб менга узатади, мен олиб отамга туткизаман. Халил бобо отамни «Уста Қарим» деб чакиради. Унинг елкалари кенг, кўкки қаварик, оппоқ соқоли кўкрагининг туклари билан қўшилиб кетган, кўзлари кизғиш, нуқул тиш қайраб, ғалати овоз чиқариб туради. Гоҳида отам мени уларникига юбориб, бор Халил бобонга айт, тезда эшакларини миниб чиксинлар, дердилар. Мен бориб айтардим. У киши, нимага, каерга борарканмиз, деб сўраб ҳам ўтирмасдан, бир пасда пиёзи чакмонини кийиб, симобий салласини бошига қўндириб чиқарди. Остида масикқан кўк ханги. Халил бобо атайин эшагига хала босиб диконглатади. Мен завқланиб куламан. Отам, бу чол хали бизлардан бақувват, дейдилар. Улар бозорга, тўй-маъракаларга бирга боришар, эртасига дўконхонада ўша тўй ёки сафар таассуротларидан узок суҳбатлашиб ўтиришарди. Халил бобо намоз-ниёзни билмас, эскичадан ҳам, янгичадан ҳам саводи йўқ эди. Бир кун отам у киши билан қандайдир бир улфатчиликка боради. Улфатларнинг кўпчилиги Халил бобони танимас экан. Отам мезбонларга, Халил бобони кўрсатиб, бу киши қатта мулло, мадрасани хатм қилганлар, дейди. Бу мактовлардан эриб кетган Халил бобо кизариниб тўрга чиқиб ўтиради. Обошдан кейин отам ёнидаги йигитлардан бирига: «Эскича бир жангномами, девонми топиб келсангиз, мулло бобо бир хониш қилсалар», дея шипшийди. Халиги йигит чиқиб кетади ва ҳаял ўтмай кизил духоба жилдга ўроғлик китоб келтириб:

— Мана, «Девонийи шох Машраб», — дея ўпиб икки марта манглайига теккизгач Халил бобога туткизади. — Қани, мулло бобо, бир эшитайлик.

Халил бобо отамга ўқрайиб қарайди-да, ноилж китобни олиб, тиш қайраганча варақлай бошлайди.

— Ўқирдиму кўзойнагим уйда қолган, — дейди у сир бермай.

Халиги йигит яна чиқиб кетади. Бир пойига қора ип бойланган кўзойнак топиб келади.

— Мана кўзойнак.

Халил бобо отамга яна бир ўқрайиб қарайди-да, бармоғининг учи билан кўзойнакни илиб олиб, тескари томонини кўзига қўндиради. Лекин ҳадеганда кўзойнак қулоғига илинавермайди.

— Бу кичик экан, — дейди кизариб, — яна ойнаги ҳам кўзимга тушмаяпти.

Шунда кулгидан аранг тийнлиб турган отам унинг жонига ора кирадн.

— Кечирасизлар, — дейди у мезбонларга, — мулло бобо янаги келганларида кўзойнақларини олиб келадилар. Ушанда эшитасизлар. Хозир овозлари ҳам андак шамоллаган.

— Тўғри, тўғри, — дейди Халил бобо тиш кайраб туриб аттайн йўталаркан, — томоқ чаток... томоқ чаток...

Шу воқеани отам ҳамқишлоқларга тез-тез айтиб берарди. «Томоқ чаток, томоқ чаток» деганда ҳамма кулар, уларга қўшилиб Халил бобо ҳам кулар ва бош чайкаб туриб: «Э, касалинг курсин, усто Карим», деб қўярди.

Ховли орқасидаги ўрикчамнинг довуччалари саргайиб пишса дастлабки ҳосилини ана шу Халил бобога обориб бераман. У киши дуо қиладилар, ўзим ҳам, дарахтим ҳам узоқ умр кўрамиз. Шунинг учун хар эрталаб уйқудан тура солиб, айвон томондаги тўсиқдан оркага ўтаманда ўрикчамга қарайман, унинг атрофидан айланиб, айрини ушлаб охиста силкиб қўяман.

Бир куни эрталаб уйғониб, қўл-бетимни ҳам ювмасдан томоркага ўтдим. Карасам, ўрикчага тираб қўйилган айри йўк. Кўчат мевасининг мўллигидан бир томонга эгилиб қолибди. Мол-ҳол айрига қашланиб, уни тушириб юборган бўлса керак, деб ўйлаб атрофни кўздан кечирдим. Йўк. Айрининг учи кўмилган ердаги чуқурча атрофида икки кетмонча тупроқ дўмпайиб турарди. Дарҳол изимга қайтдим. Отам ишга отланаётган эканлар. Айтдим. Биргалашиб оркага ўтдик. Отам дарахтчага қараб ўйга толдилар. Мен ҳам хафа бўлиб кетдим. Қанча турганимиз эсимда йўк, кейин дўконга йўл олдик.

Отамнинг боскончиси Ширинбой тоғам аллақачон дўконни ўт олдириб турган эди. Отам пешбандини белига боғларкан:

— Қумғонни ос, — дедилар Ширинбой тоғамга, — ҳали замон Халил бобо келиб қоладилар.

Мен дам боса бошладим. Ўтхонада тошқўмир аввал сарғиш, сўнг зангор аланга билан гуриллаб ёнди.

Чошгоҳликда Халил бобо келиб одатдагидек сўрига чикиб, оёқларини осилтириб ўтирди. Бу гал у Қобил кўрбешининг қўлга олинishi, унинг Шўрчи бозорида осифлик турган калласи ҳақида кизиқарли ҳикоя қиларди.

— Худонинг кудрати билан, — деди у нихоят, — калла ҳам шишиб кетаркан, кўз-бурнини билиб бўлмайди. Бамисоли қовоқдай шишиб кетган, бир хафтача вағ-вағ чибни талаб ётди...

— Кўрганда юрагингиз ачишиб кетгандир?

— Лаббай?! — деди ўзини эшитмаганга олиб Халил бобо.

— Ахир ўзлари ҳам кўрбошига сарбоз бўлганларку? — деди отам пиёлани менга узатиб.

— Сарбоз бўлиб нима қилибман, — деди Халил бобо оғир олиб, — хуни ноҳақ қилмаган бўлсам, бировнинг молини ўғирламаган бўлсам, ҳа, энди мажбур бўлиб, уч-тўрт кун от минганмиз-да...

— Ассаломуалайкум!

Эшикда кўринган яхтакли, кўкси очик, чўкки сокол кишининг саломи билан Халил бобонинг хикояси бўлиниб қолди. Отам омбирдаги темир ҳали совуб, қораймаган бўлса-да, уни тезда ўтхонага тиқиб, келувчи киши билан кўришди.

— Келинг, Элмурод бобо! Қалай, бола-чакалар омонми, Тангрибердининг ўғли дастёр бўлиб қолгандир?

— Ҳа, шукур, — деди Элмурод бобо терларини артиб, — қапталимга кириб қолди, ука. Қисмат шу экан-да, жўра, отасидан хайриятам шугина тирноқ қолган экан, бўлмаса адоий-тамом бўлардим. Ҳе, уйи куйсин бу урушни, кўпларни хонавайрон қилиб кетди-да...

Халил бобо унга бир пиёла чой тутди.

— Э, барака топинг, — деди у пиёлани олиб хўпларкан, — бай-бай, аломат чой бўлибди-да. Ўзиям олма пўстлоғиданми, дейман. Йўқ, дедингизми? Ҳа, тузук-тузук. Бизлар бир хафтадан бери олма пўстлоғидан чой дамлаб ичамиз. Бу чойдан ҳеч фарқи йўқ. Дарвоқе, уста Қарим, тайёр тақангиз борми, ука? Бир эшакни калишини янгиламокчи эдик, — деди пиёлани қуришиб Халил бобога узатаркан. — Жониворнинг туёқлари синиб, оқсаб қолди-я.

Отам болға ура-ура гапира бошлади.

— Тақа бор-у... миҳ йўқ... сал кутсангиз... беш ўнта миҳ... ясаб олсак, — деди у болға уришдан тўхтаб, — бу ёғи ярим соатлик иш.

Элмурод бобо рози бўлиб сўрига чиқиб ўтирди. Ширинбой тоғам молларга ўт ташлагани чиқди. Мен яқиндаги ҳовуздан қумғонни тўлдириб келдим. Эшикдан кираверсам Халил бобо чиқиб кетаётган эди. У ки-

ши: «Гашти пешин келарман» деди. Отам кўлимдан кумғонни олиб ўтхона ичидаги чангакка илди. Элмурод бобо дам босиб турарди, мен болға уриб отамга кўмаклашдим. Ўн олтита миҳ ясадик. Тақа ва миҳларни темир қутига солиб ташқарига чикдик. Элмурод бобонинг эшаги ховузнинг қуйироғидаги толға бойланган эди. Яқин бордик. Эшакнинг тўкими ерга тушиб ётарди. Элмурод бобо эшаги ёнига бориб:

— Э, қизик-ку, — деди бақа бўлиб — буни айили кани?

Хаммамиз ҳайрон қолдик.

— Айили бор эдими? — деб сўради отам.

— Қизик экансиз-а, усто, — деди Элмурод бобо митти кўзларини ўйнатиб, — қайси эмари эшакка тўқимни айилсиз босади? Мана, тўқими шу ерда-ку. Анови жиянчангиз олгандир.

Отамнинг буйруғи билан тезда Ширин тоғамни чакириб келдим.

— Айил кани?

— Қайси айил? — деди Ширинбой тоғам отамнинг важоҳатидан кўркиб, — кўрганим йўқ.

Отам уни кистокка олди. Ширинбой тоғам титраб-қакшаб, мен олганим йўқ, дерди. Отамнинг дўк-дағдағасидан мен ҳам қурук қолмадим. Иккаламиз ҳам йиғлаб, кўзимизга ёш олдик. Ниҳоят, отамнинг бизларга раҳми келиб, Элмурод бобо билан келишмоқчи бўлди.

— Энди, Элмурод тоғо, бўлмаган иш бўлибди. Келинг, эшагингизни тақалаб берай, айлингиз топилса обориб берамиз.

— Ў, уста Қарим, — деди Элмурод бобо қўлини паҳса қилиб, — эшакни тақаланг-у мендан пулини олинг. Майли, бошқалардан икки-уч сўм зиёд ҳам олинг, лекин айилимни топиб беринг.

Отам Ширинбой тоғамга буюрди.

— Бор, охурдан янги олинган айилни олиб чик!

Ширинбой тоғам оғилхонадан яқинда олинган янги айилни олиб чиқиб, отамга берди.

— Ана, бу айилни олинг, — деди отам, — кеча Азиз аркончидан буюртма қилиб олганман. Боғлаб боринг, топилса, ўз айилингизни оласиз, бўлмаса шу сизники.

— Э, йўқ, уста Қарим, — деди Элмурод бобо норози бўлиб, — менга ўз айилимни топиб беринг.

Отамнинг жаҳли чикди.

— Бор, — деди менга буюриб, — айвонни остидан снгирни ечиб чик!

Мен зингиллаб кетдим. Хаял ўтмай янги бузоклаган ола говмишни етаклаб чиқдим. Отам сигирни ипини Элмурод бобога тутказиб:

— Илоё барака топинг, Элмурод тоғо, — деди ялинчок овозда, — ана шу сигирни олиб боринг, якинда туккан. Соғиб ичиб юринг. Айлингиз топилса, бориб сигирни олиб келаман, агар топилмаса...

— Менга сигир эмас, — деди Элмурод бобо, — айил керак, ўз айилим керак...

— Ахир...

— Ўғрилар, — гудранди Элмурод бобо. Отамнинг ори кўзиб, титраб кетди.

— Ким ўғри? — деди кичкириб, — ким?

Элмурод бобо ҳам чўкки соқолини олдинга чиқариб, кекирдагига зўр берди.

— Шу кишлокнинг одамларидан бошқа ҳеч ким ўғирламаган, ахир айилни Қоқиштувон ёки Қумкишлокдан келиб ўғирлаб кетмайди-ку? Ноинсофлар, каззоб, тўкимдузлар...

Отамнинг ранги бўздай оқариб, мўйловлари тиккайгандек бўлди.

— Менга кара, Элмурод енгмаш<sup>1</sup>, — деди жаҳл билан унинг яхтагининг ўнг ёқасидан тутиб, — кўп қонимни қайнатма. Айтдим-ку бир айлингга ана бу янги айилни, ана бу арғамчиларни, ана бу сигирни, э, бор анови ховли-жойни ол. Агар, воҳ десам, ҳар нима. Ёки ана бу пичокни, — деди отам ёнида осилган ярми жезли қиндан дандон сопли пичокни чиқариб унинг кўлига тутқизаркан, — кўкрагимга ур. Лекин ўғри дема, хумсо... Оҳ! — деди отам қоп-қора мўйловларини ямлаб, — афсуски, ёшинг катта-да, бўлмаса...

— Айилимни топ!

Отам унинг елкасидан охиста итариб юборди.

— Ҳе, айилинг билан, сени ўша... — отам қаттиқ сўқинди. — Бор, менга айил топширганинг йўк. Кимга берган бўлсанг, ўшандан ол! Мелисага борасанми, прокурорга айтасанми, судга берасанми, у ёғи сенинг ишинг.

Элмурод бобо эшаги бўйнидаги арқонни ечиб олиб, айил ўрнида тўқимни мустаҳкамлаб, жаҳл билан икки сакрашда эшагига миниб олди.

— Йўк, — деди у чинкириб, — мен сан ўғрилар устидан райижроқўмга арз қиламан, кўрсатиб қўяман

<sup>1</sup> енгмаш — ўжар

сизларга фронтовик оиласини хўрлашни... ўғрилар, кароқчилар...

Отам «астафрулло, астафрулло» дея пичирлай бошлади. Ширинбой тоғам янги айил ва арғамчиларни олиб, сигирни етаклаб оғилхона томон кетди. Бироздан кейин отам ҳушёр тортгандек бўлди, тупрокка коришиб ётган дандон сопли пичоғини ердан кўтарди-да жаҳл билан толнинг танасига урди. Тиг дарахтга бир бўғимча кириб, унинг атрофидан тизиллаб сув чиқди...

Шу воқеадан ўн беш-йигирма кунлар чамаси ўтиб кетди. Элмурод бобонинг айилни изламаган еримиз қолмади. Қани энди топилса. Ҳарқалай ўнинг ўзи ҳам қорасини кўрсатмай кетди. Бир куни отам шдан қайтиб, ювиниб ўтирарди. Қуёш аллақачон ҳовли деворларни ортига пана бўлган. Мен супадаги катда китоб ўқиб ётар, отамнинг тезроқ ювинишини кутиб, у киши томон дам-бадам кўз ташлаб кўярдим. Чунки бугун отамга «Қунтуғмиш»нинг давомини ўқишим керак. Худди шу аснода дарвоза томондан «Ўста Қареем!» деган овоз эшитилди. Отам, қара-чи, дедилар. Ман ҳали катдан тушмасимданоқ ўша овоз яна такрорланди: «Ўста Қареем!». Дарвозахонага чиқдим. Ҳайратдан довдираб қолдим. Қўлида халачўп билан Элмурод бобо турарди.

— Отанг қани?

— Уйда.

— Чоп чақир!

Ҳафсаласиз изимга қайтдим. Отам ювиниб бўлган эдилар.

— Қим?

— Элмурод бобо!

— А! — Отамнинг рангги қум-қуйт учди, — нима дейди?

— Билмасам, отангни чақир, деди.

Отам шошилиб, оёғига калишини илиб дарвозахонага йўл олди. Изидан мен ҳам.

Отам Элмурод бобога рўпара бўлиши билан у:

— Ассаломуалайкум, устожон, — деди орада ҳеч гап ўтмагандек. — Айил топилди, жўра. Қани, юрнинг тез.

Отам бир сўз ҳам демасдан унга эргашди. Одатдагидек, изларидан мен ҳам лўкилладим. Катта йўл устидаги чойхона олдида бир гуруҳ одам тўпланиб, ўзаро шовқин солиб туришарди. Отамнинг қораси кўриниши билан улар жимиб қолишди. Яқин бордик. Одамлар

куршовида ўт ортмоқланган бир эшак турарди. Элмурод бобо унга яқинлашиб:

— Ана, менинг айилтим, — деди ўт аралаш ола-була айилни тутиб, — ўғирланган айил ана шу.

Отам жаҳл билан одамларга бир-бир караб чикди. Унинг ўткир нигоҳи бир чеккада писиб, ерга караб турган Халил бобога келиб тақалди. Халил бобонинг ўсиқ кошлари қизғиш кўзларини батамом бекитган, бўйни эгилиб, оппоқ, қалин соқоли тўлкинланиб турарди. Негадир у тиш қайрамас эди. Бир пайт отам ловуллаб жунбушга келгандек бўлди. Шиддат билан эшак устидаги ўтни ағдарди. Ўт билан эшак ҳам чўзилиб, шу оннинг ўзида потирлаб ўрнидан туриб кетди. Отам ўтни топтаб, силкитиб ундан ола айилни ажратиб олди-да, Элмурод бобога караб ирғитди.

— Ол, айилнингни, — деди хириллаб, — йўқол қўзимдан! Ўн беш кундан бери бутун оилам, иккала фарзандим қон ютади. Қани, йўқол! — деди у тишларини ғижирлатиб. — Йўқол!

Элмурод бобо пилдирлаб қочиб қолди.

Орага бир муддатлик сукунат чўкди. Отам бир-бир босиб Халил бобога рўпара бўлди. У чойхона айвони остонасида бир ҳолатда ўтирарди.

— Қани туринг, мулло бобо, — деди отам аччиқ кесатиб. Халил бобо ҳадиксираб ўрнидан турди. — Очилов, — деди отам колхоз ҳосилот совети раисига. — Тўравой, — деди бригада бошлиғига. — Қани, юринглар қишлоқни номусларга ўлдирган анови беимон қолнинг ҳовлисига борамиз. Бошқаларга жавоб.

Отам, Очилов ва Тўра амаки калласи кўксига солинган Халил бобонинг изидан унинг ҳовлисига йўл олдилар. Тўра амаки менга, сен қайт, деган эди, отам: «Қўйинг келаверсин!» деди. Халил бобонинг дарвозасидан кириб, ёнбошдаги каш-каш<sup>1</sup> қурилган сайисхонага ўтдик. Эшиқлар очиб ташланди. Отам сайисхона шифтига, устун ва деворларга урилган миҳ ва қозиқлардан анча нарсаларни олиб супага чиқариб ташлай бошлади. Мен санаб турдим. Бу нарсалар орасида 6 чилим, 3 кўза, 11 мис офтова, 12 арғамчи, 9 айил, 22 кашкорд, 19 ўрок, охурлардан топилган 4 эгар, 13 тўким, қуяга ем бўлган 2 хуржун, 2—3 узук-юлук юган, сон-ҳисобсиз бел ва кетмон, хуллас, кейинги 10—20 йил ичида ўз қишлоғимиз ва қўшни қишлоқлардан нимаики йўқол-

<sup>1</sup> каш-каш — от, эшак қўшиладиган тегирмон



ган бўлса, ҳаммаси шу ердан чиқди. Сайисхона деворига бешта омон ва иккита бўйинтурук ҳам суяб қўйилган эди. Бир пайт отам сайисхонадан яна бир ёғочни олиб чиқиб супага ирғитди: Бу — менинг эгри ўсган ўрикчамга тираб қўйилган ўша айри эди...

Халил бобонинг ҳам ҳаётдан кўз юмганига мана ўттиз йилдан ошди.

Айтмоқчи, айриси ўғирланган ўша ўрик кўчати ҳозир чорак танобча ерга шох отиб, тарвақайлаб кетган. Ун йигитнинг кучоғига сиғмайдиган танаси ерга ёнбошлаб ётибди. Ўрик пишиғида йўлим яна она қишлоққа тушди. Гўксон ёшли отам ўрик соясидаги сўрида кўшқаватли кўрпача устида ўтирардилар. Дўст-ёрлар билан у кишининг атрофига давра курдик. Отам ўтирган жойларидан бемалол кўл чўзиб, зардолу териб, дастурхонга қўярганлар:

— Ҳар ёмоннинг бир яхши томони бўларкан, — дедилар кикир-кикир кулиб. — Эсингдами, ўшанда раҳматлик Халил бобонинг айрини ўғирлагани яхши бўлган экан, акс ҳолда бу дарахт тик ўсарди, мен бечора унга чиқа олмасдан овора бўлиб юрардим.

Даврадагилардан фақат менгина жилмайиб қўйдим. Чунки бошқалар бу воқеадан хабарсиз эдилар.

## УСТАРА

### *ёки кесмаполитика*

Собиқ шўролар салтанатида кўзга кўринмас антиқа қонунлар бўлган. Шулардан бири кес-кес қонуни.

Бир нарсага қарши қурашиш учун албатта иккинчи бир нарса кесилиши керак.

Масалан, дангасаликка қарши қурашиб, ойлик маош ва мукофот пуллари кесилди. Бир пайтлар меҳнат минимуми бажарилмагани учун томорқа ерлари кесилди. Феодализмга қарши қураш бошлаб, гўзал киз-жувонларимизнинг чилвир сочлари кесилди. Эскилик саркитларига қарши қурашиб, уларнинг узун қўйлақлари тенг ярмига кесилди. Юбка қилинди. Кейинроқ юбкалар ҳам кесилиб, минни юбкага айлантирилди. Хўп, бунга ҳам чидаса бўлади. Бироқ, юбка остидаги кийимнинг ҳам тўртдан уч қисми кесилди. Бу кийимга ўзларича ном ҳам қўйиб олишди: «Ласточка», яъни «Қалдирғоч» эмиш. «Қалдирғоч ғоч-ғоч, эшигингни оч-оч» деган қўшиқнинг бунга сира алоқаси йўқ. Кейин-

кейин «қалдирғоч»нинг қанотларини кесиб, модарзол ҳолда, ойнайи жаҳонда кўрсатишди... вей, башаранг курсин, дейдиганлар маданиятсиз саналди.

Бу хил «кес-кес»лардан эркактаримиз ҳам омон қолишмади. Уларни бой, мулла, босмачи деб соқол-мўйловларини кесишди. Мўйловсизлар кўпайди. Бесоқоллар кўпайди. Яна «Пахта ишни», «Ўзбеклар иши» деган баҳоналар ўйлаб топилиб, обрўли-обрўли кишиларимиз, йўғон-йўғон раҳбарларимизни қоронғуга ётқизишди... кейин ёппасига кесиб юборишди. Ўн-ўн беш йилга. Уларни кесишга қўлига боқта ушлаган Гдян ва Ивановга ўхшаш махсус кесувчилар юборилдилар. Ниҳоят, «Ҳа, кес, кесавер», дея чапак чалиб турган айрим раҳбарларнинг ўзларини ҳам кесишди. Бизникилар ў ёқда ўрмон кесишади, улар бу ерда... сариёғдай олтин бўлақларини.

Хуллас, «кес-кес» йилдан-йилга авж олиб борарди. Гиёҳвандликка қарши кўкноризор ва канопзорларни кесишди, хусусий мулкчиликка қарши мевали дарахтларни кесишди. Қайта қуришни ичкиликбозликка қарши курашдан бошлаб, узумзор ва тоқзорларни кесишди.

Хайриятим империя чок-чокидан сўкилиб кетди. Бўлмаса унинг мафкурачилари шу кунларда спид ва хотинбозликка қарши кураш бошлаб, билмадик яна нималарни кесишмасди?

Ў, хўв, нега тилингизни чиқариб куласиз? Оғзингизни юминг, бўлмаса ҳозир ҳам нақ тилингизни кесади-ганлар топилади. Қулиш ҳам эви билан-да, ука.

**УЛАМА ЕКИ ЖАМАЛАК:** Юқоридаги «кес-кес»ларни ёзишга ёздим-у, яна ўйлаб қолдим. Нахотки, сийқаси чиққан «кес-кес» қонунининг эски устараси яна ишга тушиб, «мана бу еридан жиндай кесамиз» дея туриб олишса!

Ҳа, майли, кесилганидан қолганига барака!

## **ҚИТИҒИ ЎЛМАГАН ҚИЗ**

Эски шаҳардаги ёшларнинг ярмига яқинини ижарашин студентлар ташкил этади. Политехника институтининг тайёрлов курсида ўқийдиган, юқори лабиниң икки чети сал қорайган Салимжон ҳам отасининг ошнаси — Хўжа аканин ташқисндаги болохонада туради. Болохонанинғ жиҳози жўн: ўртада қўлда ясалган пастаккина стол, икки томонида иккита йиғма қаравот. Бу қаравотларнинг биттасида Салимжон ётса, биттаси-

ри ялтираб колди. Оила аъзолари уни саломга ўргатишди. Тўтининг зехни тез экан, уйга кирган кишига «сал-лом»га ўхшаш овоз чиқара бошлади. Кейинчалик ҳаммага бир хил «Сар-дор салом» дейдиган бўлди. Бундан ҳамма хурсанд, айниқса Сардорнинг фахрланишини айтинг. У тўтисини ҳеч кимга ишонмас, ҳатто пешайвонга ҳам қўймай кафаси билан уйга олиб кирди. Чунки ўтган қишда иккита беданаси айвонда совукдан кесакдек қотиб қолган эди. Сардор бошқа жониворларига яхши қарамайдиган бўлди. «Шайтон» ва «Мўлтон» гугурт кутисида иктисодий тагликдан қахрамонларча ҳалок бўлишди. Нон ушоғи тугаб қолибди...

Сардор нукул тўтисига янги сўз ўргатиш билан овора. Лекин тўти негадир унинг гапига қулоқ солмас, аксинча бошқа сўзларни такрорлайдиган одат чиқарди. Бир куни Сардор мактабдан келса тўти «Сзз беринг, Сззз бер-ринг» дерди. Сардор ҳайрон бўлиб елка кисиб қўйди. «Нима деяпти ўзи, бу?» Лекин тўти ҳамон кафасини тепиб «Сзз бер-ринг, Сзз бер-ринг» дерди. Сардорнинг тоқати тоқ бўлиб, «Э бор-э» дея кафасни қаттиқ силкитди. Тўти биқиниб, жимиб қолди. Секин-аста тўти «Сар-дор сал-лом» иборасини бутунлай эсдан чиқарди. Бир куни қулоқ солса тўтиси «Боз-зор... поз-зор» дерди. Сардор ҳам, отаси ҳам ҳайрон қолишди. Наҳотки тўти бозорни кумсаб қолган бўлса? Ҳа-а, «Сардор» сўзи эсдан кўтарилиб «бозор» дейдиган бўлган чоғи: «Боз-зор... боз-зор.. поз-зор!» Унинг тоқати тоқ бўлиб, «Э, бўлди-да эзма?» деди. Шу-шу тўтининг оти эзма бўлиб қолди. Тўти зийраклашиб ҳар куни янги бир сўз ёки ибора ўрганарди. Айниқса у «Сзз беринг!» иборасини кўп такрорларди. Сардор қанча тиришиб «Сўз бердим, сўз сенга!» демасин, ундан баъмани бир сўз чиқмасди.

Яна бир куни нонушта пайтида Эзма ғўлдираб қолди. Бу бошқачароқ оҳанг эди. Ҳамма қулоқ тутди: «Ну-тч-ка! ну-тч-ка!» Ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади. Сирли сўзлар. Сардорнинг отаси чеккасини кашлаб қўйди. Эзма нукул «ну-тч-ка» дея такрорларди.

— Тсс... жим,— дея шивирлади Сардорнинг отаси,— қулоқ тутинглар-чи.

— Ҳе, нимасини эшитасиз, ўша Эзмининг,— дея шанғиллади онаси. Орада ғала-ғовур кўтарилди. Тўти босиқ ғўлдиради: «...кра ...пон ...кра ...фон!»

— Ҳа-ҳа,— дея Сардорнинг отаси тиззасига шапа-

тилаб ўрнидан туриб кетди,— кра-фон... микрофон, де-япти... Эзмага бу сўзларни биласанми ким ўргатган?

— Мен ўргатмадим,— деди Сардор жовдираб.

Отаси кулиб юборди.

— Бу гапларни Эзма телевизирдан ўрганган, мен ярим кечагача телевизирдан сиезду сессияларни кўраман-ку... вой, ярамас-эй, ҳаммасини ёдлаб олибдида... яна буни эзма дейсизлар. Бу Эзма эмас, кип-кизил депутат-ку...

«Ну-тч-ка... ну-тч-ка!» деди тўти унинг сўзини бўлиб.

Сардорнинг отаси жаҳл билан ўрнидан туриб «Эзма»ни қафаси билан айвонга олиб чиқиб илиб кўйди.

Айвондан овоз келарди.

«Сзз бер-ринг! Сзз бер-ринг!»

## ЮҲО

Сарик касалига чалинган Шаҳрибону шифохонадан тузалиб чиққач, адаси унга ажойиб бир совға келтирди. Бу дум-думалок шиша идиш.

— Шарга ўхшаркан,— деди Шаҳрибону идишни ушлаб кўриб.

— Бу — аквариум,— тушунтирди адаси,— бунда балик бокасан.

Ўша ҳафтанинг ўзида Шаҳрибону адаси билан қуш, балиқ ва бошқа жониворлар сотиладиган бозорчадан балиқчалар харид қилишди.

Уйга қайтишгач, челақдаги тинитилган сувни думалок идишга солишди. Идишдаги сув биллурдек товланади, айникса, қуёш нури тушганда ён томондан қарасангиз, ингичка камалак ҳосил бўларкан. Балиқчалар идишга солинганда сувда шунақаям сузишдики, Шаҳрибону кўз узолмай қолди. Сунъий ҳаво берадиган усқунани тўкка тикишганда ғаройиб пуфакчалар ҳосил бўлди. Ўз навбатида бу пуфакчалар балиқчаларни баттар ҳаракатга келтирди. Шаҳрибону яйраб кетди. Хатто ярим кечаси уйқудан уйғониб, чироқни ёқди.

— Сенми, Шаҳри,— деди ойиси,— нима қиласан чироқни ёкиб?

— Қарайчи, балиқчаларим ухлашибдими?

— Ётсангчи, ухлашмаган бўлса алла айтарминдинг?— деди ойиси кулиб.

Шаҳрибону паст овозда шивирлади:

— Вуй, чўкиб кетишибди-ку.

— Ухлашгандир,— деди ойиси,— халакит берма, сенам ётиб ухла.

Шу тарика кунлар ўтиб борарди. Қора, кўк, чипор, нопармон ва оқиш балиқчалар думалоқ шиша идишда маза қилиб сузиб юришар, деразадан тушган куюш нурида ғаройиб ўйинлар кўрсатишарди. Бундан Шаҳрибонунинг синик рангига қон югуриб, ўзи ҳам тўлишиб борарди. Аквариум унинг диққатини бир ерга тўплар, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам берарди.

Бир куни шаҳар айланиб юришаркан, Шаҳрибону адасини «Тирик жонлар» дўкони томон судради. Қафасларда қушлар «чириллаб» сайрар, сандикнусха ўтўланли шиша идишларда ҳар хил балиқчалар сузиб юришарди. Сувдаги тилла балиқча, айниқса Шаҳрибонунинг диққатини тортди. Қўярда-қўймай адасига шу балиқчадан бирини олдирди. Дўкончи елим халтадаги сувга балиқни солиб берди. Уйга қайтгач, тилла балиқчани ҳам думалоқ идишдаги сувга солишди. Қизик, бу балиқ ҳеч нарсадан уялмас экан, сувга ташланган заҳоти ўз уйидагидек турли хил ўйинлар кўрсата бошлади. Шаҳрибону бир чимдим емиш ташлаган эди, тилла балиқча сув юзига қалқиб чиқди-да, емишни олиб кочди.

— Вуй, мунча чакқон,— деди Шаҳрибону қарсақ чалиб.

Шаҳрибону яна емиш ташлаган эди, ўша ҳол такрорланди. Тилла балиқ сув бетига қалқиб чиқиб, емишларни ютақиб еди.

— Оббо, бунинг очопат экан-ку,— деди адаси.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Янги келтирилган тилла балиқча ўз шериклар ичида тезда кўзга кўриниб қолди. У семириб, кичкина зоғора балиқ даражасига етди, сап-сарик олтиндай товланарди. Баъзида Шаҳрибону емиш солишга кечикса, у шерикларини тирқиратиб қуварди. Яна у кечалари сувни шалоплатиб, уйку бермайдиган одат чиқарди.

Бир куни Шаҳрибону йиғлаб, адасининг бўлмасига кирди.

— Ха, нима бўлди,— деди адаси хавотир олиб.

— Ану, ану,— дерди Шаҳрибону ҳикиллаб,— «очопат» «марварид»нинг ярмини еб қўйибди.

Адаси шошилиб думалоқ идиш ёнига борди. Қараса, оқ йилтироқ митти балиқчаннинг дум томони сув юзида қалқиб юрибди.

— Сана-чи, қолган балиқчалар нечта?— деди адаси.

— Бешта.

— Ўзи қанча эди?

— Тўққизта...

— Оббо, буни «очопат» десак, юҳо экан-ку,— деди.— Хафа бўлма мактабдан қайтгач, тоза банкага сув қуйиб, балиқчаларингни ўшанга солиб қўй. Бўлмаса юҳо ҳаммасини еб битиради.

Шаҳрибону юҳо сўзининг асл маъносига тушунмаса-да, ҳар қалай ёмон сўз эканлигини қалбдан ҳис этди. Мактабдан қайтгач қараса, юҳо митти балиқчалардан яна учтасини ғажиб ташлабди. Шаҳрибону дарҳол балиқчаларни тутиб, сувли банкага солди. Думалоқ идишда чала ғажилган балиқчаларнинг ярим-ёрти танаси ва юҳонинг ёлғиз ўзи қолди. Юҳо сувда гўё тантана қилгандек безовта юрарди.

Шаҳрибону ўша оқшом юҳони жазолаб, унга емиш солмади. Туни билан юҳо сувни шалоплатиб чиқди.

Эрта билан қарашса юҳо думалоқ идиш ёнида, полда ётарди.

Шаҳрибону уни олиб қайта идишга солмади. Очиғи, кўрқди.

## УСТОД ТАБАССУМИ

*(Шу номли туркумдан)*

Одатда машҳур кишилардан катта адабий мерос билан бирга эл орасида улар ҳаётидан анча қизиқ гаплар, доно фикрлар, зариф хотиралар ҳам қолади.

Эгизак адабиёт — ўзбек ва тожик адабиётининг улкан намоёндаларидан бири устод Айний ҳам ана шундай сиймолардан ҳисобланади. Улуғ ёзувчи, забардаст олим, ажойиб инсон Садрриддин Айнийга унинг ҳамюрти сифатида менинг ҳам ҳурматим чексиз. Устоднинг шогирдлари, у кишини шахсан кўрган, таниган кишиларнинг жонли хотиралари асосида бундан анча йиллар аввал бир туркум воқеий ҳикоялар эълон қилган эдим. Қуйида шу туркумга кирган янги ҳикоялардан ўқийсиз.

Устоднинг етмиш йиллик таваллудлари бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонланган эди. Айниқса, бундай тантана, учрашув ва илмий анжуманларга Самарқандда катта тайёргарлик кўрилди. Лекин дорилфунундаги кўп минг кишилик учрашувда рўй берган воқеа одамларнинг бир умр эсидан чикмаса керак. Учрашувда илмий маърузалар қилинди, меҳмон ва талабалар табриклашди, устодга ранго-ранг тўнлар кийдирилди, совғалар топширилди. Саҳна орқаси гул ва совғаларга тўлиб кетди. Шунда ҳайъатда ўтирган савлатли раҳбарлардан бири устоднинг қулоғига секин шивирлади:

— Жуда зўр бўлди, сизам бир эсталик совға тайёрласангиз бўлармиди, устод?

Айний домлага савлатли раҳбарнинг танбеҳи оғир ботгандек бўлди. Унга ботиқ кўзларини тикиб «шундойми?» деб сўрадилар. Раҳбар ҳам ўша оҳангда: «Албатта-да», деди. Устоз аввал одамларга, сўнг минбарда томоғи кирилгудек бўлиб, «Куллар» рўмони ҳақида маъруза қилаётган пакана олимга кўз ташладилар. Олим ёзувчининг хаёлига ҳам келмаган «назарийёт»лар ҳақида маъни қиларди.

— Совға бориди.

— Қаерда?— деб сўради савлатли раҳбар,— айтайлик, олиб келишсин.

— Йўқ, ўзим,— деди устод секин ҳайъатдан суғирилиб чиқарканлар. У кишига бир-икки киши эргашмоқчи бўлган эди, қўл ишораси билан қайтардилар. Оҳиста юриб ҳовлида кантарилган «Победа»га яқинлашдилар, олд эшикни очиб ичкарига кирдилар. Шопирлари рулда мудраб ўтирарди. Машина сандиқчасидан газетага ўралган бир нимани олиб, камзуллари остидан қўлтиққа кистириб олиб, залга қайтдилар. Тантана давом этарди. Меҳмонлардан яна уч-тўрт киши табриқлаб, совғалар топширишди. Энг охирида устоднинг ўзларига сўз берилди. Гулдурос қарсақлар янгради.

— Азизлар,— дедилар устод.— Биродарлар! Менинг таваллуд тўйимга тўпланган катта-кичик меҳмонларимга ташаккур айтаман...

Устод ҳаммага, шу жумладан, Самарқанд вилояти раҳбарларига, дорилфунун домлалари-ю, талабаларига, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга астойдил миннат-

дорчилик билдирдилар. У кишининг сўзлари тез-тез карсақлар билан олқишлаб турилди.

— Энди яна бир гап,— дедилар устод одамларга тикилиб.— Бу ерда дорилфунун раҳбарлари мени илик сўзлари билан, совға-саломлар билан сийлашиб, жуда хурсанд қилишди. Камина ҳам уларнинг шу меҳрибончиликларига жавобан ўйлай-ўйлай, улуғ бир совға тайёрладим, ижозатингиз билан шу совгани вилоят ва дорилфунун раҳбарларига топширсам.

Йиғилганлар бутун диққатини кўзларига жамлаб, бутун вужудларини қулоққа айлантириб минбарга тикилишди.

Устод қўлтиқларидан ҳалиги нарсани олиб, эринмасдан газетани очдилар-да, йиғилганларга кўз-кўз қилдилар.

— Бундан улуғ арзирли совға топа олмадим.

Бу совға — дарсликдан қирқиб олинган Сталиннинг маршаллик либосидаги рангли сурати эди. Одамлар ҳайратдан қотиб қолишди. Устод расми ҳайъатга қаратдилар. Савлатли раҳбарнинг ҳам оғзи ярим очилди, кейин бирданига ҳушёр тортиб, жон ҳолатда чапак чалиб юборди.

Бошқалар ҳам унга эргашди.

## БИР ҚОП ҒАЛЛА

Устод ҳаётлигида ҳам у кишининг Самарқанддаги уйи худди музейдек ясатилган эди: жавонларда сонсаноксиз китоблар, токчаларда чиннилар, совға буюмлар тартиб билан терилган, девордаги чўғдек гиламга Максим Горький билан тушган сурати, иккинчи томонда қадим Бухоро манзараси, устоднинг ваҳшийларча калтаклашгандан сўнг Когон касалхонасида олинган фотосурати қоқилган...

Домла Ҳар куни шу суратга қайта-қайта тикилиб, чуқур ўйга толади, бевақт ўлдирилган сафдошлари, ака-укаларини эслаб юраги эзилади. Бугун ҳам ишга ўтиришдан олдин одатдагича шу суратларга бир-бир нигоҳ ташлади. Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетди.

— Падаржон, ҳалиги йигит келувди!— деди домланинг севиқли қизи Холида. Устод ногаҳоний овоздан чўчиб тушгандек бўлди. Лекин сир бой бермади. «Алаф-да хаёл курсин», дея кўнглидан кечираркан:

— Айтинг, кирсин!— деди.

Эшикдан бундан уч кун бурун келиб, қўлёмасини



қолдириб кетган қорача йигит кўринди. У уйга кира солиб:

— Ассалому алайкум, устод!— деди.

— Ваалайкум ассалом!— деб тиззаларини ушлаб ўрнидан турди домла. Йигит аввал хонага, оёқ остига тўшалган гулдор гиламга, кейин устодга олазарак қаради-да, эгилиб ботинкасининг боғичини еча бошлади. Аксига ботинканинг ипига чигил тушган экан. Бу орада устод бир-икки дақиқа тик туриб қолди. Йигит ботинкасини ечиб у киши томон шошиб йўл олаётган эди, устод: «Анави офтобада кўлингизни чайқаб олинг, махсумжон!» — деди. Йигит қип-қизарганча пойгакда турган офтобада кўлини ювиб, сочиққа артди. Сўнг устод билан келишиб кўришди.

— Баракалло!— деди устод ва кўл чўзиб жой кўрсатди.— Марҳамат қилинг. Ҳа, дарвоқе, бундан кейин отни сувга кўйишдан аввал бўйнидан юганини чиқаришга, уйга киришдан аввал ботинкангизнинг ипини ечишга ўрганинг, ўғлим.

Йигит ўнғайсизланди. Лекин устод хушчакчаклик билан хол-ахвол сўради, бир пиёла яхна чой қуйиб узатди.

— Кўлёмангизни ўқидим, яхши...

— Раҳмат, куллуқ, устод!— деди йигит кўзғалиб таъзим қиларкан. Устод йигитга мулоим боқиб:

— Сиз менга бир коп ғалла келтирибсиз!— деди. Йигит хурсандчилигини яшира олмади.

— Ташаккур, куллуқ устоджон!

Устод тушунтиришга киришди.

— Ҳа, бир коп ғалла келтирибсиз. Бу қопнинг ичида арпа ҳам, жўхори ҳам, тарик ҳам, бугдой ҳам бор, дурушта...

Йигит домланинг гапларини мактов деб ўйлаб ҳамон жилмайиб турар, хурсандчилигидан «рахмат, устоджон, куллуқ», деб кўярди.

— Сизнинг эндиги вазифангиз,— дея давом этди устод,— ана шу қопдаги ғаллани фақат бугдойини айириб олиб, китобхонларга етказиш...

Йигит аввал гангиди, кейин хайрон бўлиб сўради:

— Унда арпа билан жўхорию таригини нима қиламан?— деди соддалик билан,— ахир ҳар қалай бугдой бўлмаса-да, дон-ку.

Устод қах-қах уриб қолди.

— Э, махсумжон тушмагур-эй,— деди кўлёмани варақлай туриб,— вақти келганда жўхорисидан гўжа,

арпасидан нон, тариғидан бўза тайёрлайсиз. Ҳозир эса мендан қондаги ғалланинг буғдойини қандай айриб олиш йўлларини сўранг.

Шундан кейин устод йигитнинг қўлэмасидаги ортикча жойларни қисқартириш, айрим бобларини бойи-тиш, умуман, асарни қандай қилиб ишлаш бўйича маслаҳат бера бошлади.

## ҚУШТИРНОҚ

Ўша ғал Айний домла Бухороий шарифга Абу Али ибн Сино туғилган қишлоқни, у киши кўмилган тепаликни аниқлаш учун келиб анча азият чекдилар. Лағлақада бўлдилар. Бир тепаликни кўришди. Болаликда кўрган тепаликка сира ўхшамас эди. Сўнг Испани (ҳозирги Афсона) қишлоғига ўтишди...

Хуллас, сафар тугаб, вилоят марказига қайтишди. Иссиқданми, қариликданми устод анча толиқдилар. Вилоят раҳбарлари у кишини янги ташкил этилган маданият ва истироҳат боғига олиб киришди.

— Ажаб боғ бўлибди,— дедилар устод раҳбарларнинг кўнглини кўтарган бўлиб,— айтинг-чи, бу боғнинг номи нима?

— Киров,— дея жавоб берди маданият бўлими мутасаддиси.— Сергей Миронович.

Устод мийиғларида жилмайдилар.

— Бай-бай, шу ном бошқа шаҳарда қўйилса, унча зарар қилмас эди. Бухорода ғалатиноқ эшитиларкан.

Устоднинг гапидаги қочирикни тушунган шериклари ҳам кулиб қўйишди. Кимдир Берди Кербобоевнинг Душанбадаги учрашувини эслади.

Бир пайт устод бошқалардан ажралиб қаёққадир ғойиб бўлди. Ёлғиз шогирдлари билан «Дарвозан Талипоч» томондаги мазористонни оралаб анчагина сарсари юрдилар. Нималарнидир кўмсаб, нималарнидир излаган бўлдилар. Вилоят раҳбарлари ўз гўшаларига қайтиб, обком партия биноси олдидаги салқинда чой ташкил қилиб, устодни кутишарди. Орадан икки соатларча ўтгач, устод терга ботган, пойафзал ва шими почаларига чанг, ғубор инган ҳолда «Народ дўм» (Народний дом — ҳозирги театр) биноси томонидан кўриндилар. Эгниларидаги жужун кителнинг қўлтиқ остлари қорайиб турарди.

— Падаримизни гўрига етти марта гишт қалайликки, биз Бухорода туғилибмиз,— дея қичкирганча хасса чалиб обком биносига яқинлаша бошладилар.—

Бу кандок бедодлик. Яна минг йил аввал ўтган Ибн Синнонинг хокжойини излаб юрибмиз-а! Ахир куни кеча вафот этган Мушфикийнинг қабрини бузиб ташлабди-ку бу нобакорлар. Бу қандай разолат, бу кандок вахшийлик? Ҳазрати Нуробод кабристонининг бузилгани етмасмиди? Мадрасаи Хуржун қани? Ҳовузи Гавкушон қаерда қолди? Саройи баррачи?.. Эсиз-а... ахир, Бухоройи шариф бойкушхонага айланибди-ку. Во, дариг, қиска муддат ичида шунча мадраса-ю, мачитлар ер билан яксон бўлибди. Қанча-қанча кудукларнинг кўзи ботил бўлиб, ҳовузлар какраб, бузилиб кетибди... Шунча вайронахоналар камлик қилувдими, яна мазористонларни бузибсизлар?

Вилоятнинг «гастролчи» раҳбарларидан бири ўзини оклаган бўлди.

— Аксарияти уруш даврида...

— Э, кўйинг-э, кўп гапирманг,— деди устод кўл силкиб,— уруш Урусия билан Гермонда бўлган, нахотки бу ердаги харобазорларга ҳам уруш сабаб бўлса? Йўқ, сизлар менга Мушфикийнинг қабрини топиб берасизлар.

Шунда орқа қатордаги ранги захил, қора кўзойнакли киши олдинга чикди.

— Ўрток Садриддин Саидмуродович,— деди ковоғини солиб,— намунча ўтмишга сиғиниб, сажда қилиб қолдилар? Сизни танимай қолдик. Ўша пролетар ёзувчиси ўзларими, ёки?..

Устод унга қарадилару бошлари бир титраб, кўзлари юмилиб очилгандек бўлди. Сўнг:

— Э, ўша... бизни пролетар ёзувчиси қилган замонага минг... тасанно!— дедилар тушқун пардада.

Лекин у зотнинг «Тасанно!» сўзини қўштирноқ ичида ифода этганларини биров тушунди, биров йўқ. Чунки, ўшанда фақат қўлёзма ҳужжат ўрнига ўтарди.

Устод чойга ҳам ўтирмай меҳмонхонага жўнади.

## КАЛИШ

Яна бир хил хотираларда устоднинг тежамкорликлари ҳасисликка, тадбиркорликлари — зикналикка йўйилади. Лекин шу хотираларда ҳам устоднинг хозиржавобликлари, санъаткорларга хос қувлик ва беғараз табассумлари барқ уриб туради.

Ўшанда устод Самарканд Давлат дорилфунунида маъруза ўқирдилар. Алқисса, бир кун эрталаб у киши шошилиб ишга чикиб кетдилар. Уйда яккаю ёлғиз

кизлари Холида қолади. Орадан бир муддат ўтгач, устод терлаб-пишиб қайтиб келадилар.

— Ҳа, бахайр, падаржон?— деб сўрайди кизлари хавотир олиб,— тинчликми?

— Хавотир олманг, тинчлик.

— Унда нега тез қайтдингиз, ёхуд дарс бўлмади?

Устод шошилиб даҳлизга кирарканлар:

— Йўлдан қайтдим,— дедилар серажин манглайларини кафтлари билан артиб,— Регистонга етганимда уйда электр чирок ёниқ қолгани хотирамга тушиб қолди. Яна сиз ҳам ўчирмай дарсга кетиб қолманг, деб изимга қайтишга мажбур бўлдим.

Қиз отанинг қон-қонига сингиб кетган ўта тежамкорлик ақидасидан ранжигандек бўлди, лекин сиртга чиқармади.

— Вой, падаржон-эй,— деди истехзоли кулиб.— Бир тийинлик электрни ўйлабсизу шунча йўлдан қайтиб келгунча калишингизни ости ейилиб, тўзиганини ўйламабсиз-да.

Устод оппоқ мўйловлари орасидан истехзоли жилайдилар.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, духтар,— дедилар енгил бош силкиб,— бу падарингиз кўпам анойи эмас, ўша Регистондан бу ёғига калишни ечиб қўлтиққа урганмиз, қайтиб ўша ерга борганда, бояна кийиб оламиз.

Устод ичкари уйни чироғини ўчириб чиққанда, падари бузрукворининг хотирасига яна бир марта қойил қолган кизлари:

— Қаранг, сал қолмаса менам унутар эканман,— деди.

Устод:

— Гап электр кўп кетишию калишнинг тўзишида эмас,— дедилар дона-дона қилиб,— номадикорда, айтиб бўлмайди, ёнғин чиқиб кетиши мумкин, охи.

Холида кизариб ерга қаради. Устод шошилиб чиқиб кетдилар.

Лекин ишончим қомилки, бирор қимса у кишини калиш қўлтиқлаган ҳолда ялангоёқ кўрмаган.

## ДАСТОР ВА ДАСТУР

Устод ҳақидаги ушбу хотирани раҳматли шоир Ўткир Рашид «Шарқ юлдузи» журнали идорасида андақ

бошқачарок қилиб айтиб берган ва даврадагиларни кулдирган эди.

Қирқинчими, эллигинчи йиллар экан. Шароит анча оғир. Домла кичик кизларини турмушга чиқармоқчи бўладилар. Бир рассомга. Ўзига яраша тайёргарлик кўрилади. Тўй базми ресторанда ўтказиладиган бўлади. Куёв томондан ҳам ўн чокли кишига таклифнома берилади. Тўй куни кечга яқин ҳамма меҳмонлар оркаолдин кела бошладилар. Устоз эшик олдида қўл ковуштириб: «Хуш кўрдик», «Пажалуста», «Хуш омадед», «Марҳамат!» деб меҳмонларни кутиб оладилар. Ичкаридан ўрисча-ўзбекча-тожикча қўшиқлар эшитилади. Бир пайт куёв томон кўринади. Еш-яланглар кийқиришиб эшикка ёпирилишади. Устоз уларга бир муддат қараб туриб, бетларида ранж аломати зоҳир бўлади. Қошлари кўзларини бекитгудек бўлиб, ковоклари солиниб кетади.

— Бўлди, акун, жой йўқ,— дея ҳассаларини меҳмонлар олдига «шлагбаум» қиладилар.

Куёвнавкарлар тақа-так, айримларининг кайфи учиб, изига қайтади. Ҳамма ҳайрон. Шунда ичкаридан югуриб чикқан гузар вакили жон ҳолатда келиб, устоднинг тирсақларидан тутди.

— Ҳай-хай, устоджон, бу қандок гап, ахир домотни ҳам қайтардингизми?

— Қанака домот? — дедилар устод хайратланиб,— ҳали ўтмадими? Ахир йигирма бир киши ўтди-ку. Куёвжўраларга ўнта жой ажратилган эди...

— Югуринглар домотни қайтариб келинглар!— деди гузар вакили.

Устод жиндай кизарган бўлдилар.

— Билмадик булар қачон «култура»ни ўрганишади. Ўнта жой ажратилгач, ўнта, борингки, йигирмата бўлиб келсин, наинки юзга яқин кишини бошлаб келса? Бу оши худойи эмас-ку, совет ресторанида ўтказиладиган кизил тўй бўлса. Бу ёғи дойра хабар қилмаган бўлсак...

— Ҳа, энди тўй умрда бир марта бўлади.

— Унинг шармандалиги бир умрга қолсинми?!— дедилар устод хозиржавоблик билан.— Элликка яқин ортиқча кишининг биттасига арзимаган вилка-санчки етмаса, бир умр шу тўйни дoston қилиб юришади, Айни бобо ундок, Айни бобоники бундок деб.

Хизмат қилиб юрганлар кулиб юборишди, сўнг кимдир:

— Хўп денг энди, устоджон, домот икки оғайниси билан кирсин,— дея илтимос қилди.

Устод ер остидан олайиброк қараб:

— Майли,— дедилар сир бермай,— ичкаридан икки-учтаси чиқиб ўрнига домотшаванда кирсин. Лекин каминага домот бўладиган бўлсалар, шуни унутмасинларки, мулло-ю дарвеш дастори билан, тўю ҳашам дастури билан деганлар.

Шундай бўлса-да, куёв яна тўрт-беш улфати билан эшикдан тўпир-тўпир ўтиб кетди.

Қўшимча стол қўйишга тўғри келди.

## ЛАТТА

Истеъдодли, аммо жуда содда, уятчан ёш шоирлардан бири устод хузурига тез-тез келиб турар, у кишидан қимматли маслаҳатлар олар эди. Шу шоирнинг шеърлар тўплами тайёр бўлгач, Айний домла унга тавсия ёзиб бериб, тайинлади:

— Ана тайёр бўлди. Буни Тошкентга олиб борасиз. Нашриётга топшириб келасиз. Бир пайт қарабсизки, мажмуангиз чиқиб турибди-да, ука!

Шогирд терисига сиғмай кетди. Қўлёмани қўлтиқка уриб, «Қайдасан, Тошкент!» дея йўлга тушди. Айний домла ҳам ўз ишлари билан бўлиб, ундан китоб ҳақида қайтиб суриштирмади. Орадан йил ўтди. Бир куни устод нашриётга телефон қилиб, ёш шоирнинг китобини ҳам сўради. Ноширлар ҳали қўлёмани олмаганларини айтишди. Устод дарҳол ёш шоирни чақирди.

— Ман, устоджон,— деди камсукум уятчан йигит,— қўлёмани Тошкентга, тўртинчи каватга, худди анави редакторимиздек жингалак соч, чиройли бир одамга топшириб келганман.

Устоднинг юзлари тундлашди.

— Қайси тўртинчи каватга?

— Ўша Тошкентдаги, баланд бино, эшиги зангори...

— Қимга? Исми шарифи бордир ўша жингалак соч редакторнинг?

Шоир қизариб, баттар чайналди.

— Худди редакторимизга ўхшайдилар... Фамилияларини сўрамабман...

Устод оппок соколларини тутамлади:

— Латтасиз, латта!— деди паст, бўғим овозда.

Камсукум шоир маълулхотир бўлиб ерга қаради. Айний домла унга зимдан тикилиб, ўй суриб тургач:

— Латтасизу, лекин керакли латтасиз!— деди ва яна кўшиб кўйди,— фақат бахмалу кундалдек ўз қад-рингизни кўтаришга ўрганинг. Китоб ёзиб бировга йўл кўрсатадиган одам, аввал ўзи йўлини топиб юриши керак-да!

Шогирд кўлларини кўксига кўйиб жилмайди.

## ЧАПАК

Бухородаги ўқув юртларидан бирида учрашув давом этарди. Студентлар иссиқдан кўлларидаги дафтар, газета ва журналлар билан ўзларини елпийдилар. Кўп-лар эшик олдида тик туришибди. Хамманинг кўзи президиум аъзолари ўртасида ўтирган жужун камзул, чуқ дўппили устод Айнийда... Ниҳоят, сўз Айний домлага берилди. Гулдурос қарсақлар остида у киши охишта юриб, минбар томон келди. Шошилмасдан дастрўмолини олиб, юз-бўйинини артди-да, залга қаради.

— Азизлар,— деди қарсақ тингач,— аввало менга сиз каби озод меҳнаткаш болалари, ҳақиқий толиби илмлар хузурида сўзлаш имкониятини яратиб берган Улуғ Октябрь инкилобига чин дилдан шон-шарафлар бўлсин, дейман!..

Қарсақ янгради. Устод олдинги каторга, сўнгра президиумга назар ташлаб давом этди:

— Мени шу мартабага етказган жонажон Коммунистик партия, азамат совет халқим олдида ўзимни бир умр қарздор, деб биламан. Чунки мен...

Устоднинг сўзини яна қарсақ босиб кетди. Шунда у киши президиум томон чапакни биринчи бўлиб бошлаган лунжлари осилган, тепакал кишига ўқрайгандек қараб кўйди.

— Чунки, мен совет замонасида ҳақиқий бахт эгаси, ҳақиқий қалам эгаси бўлдим. Кўпгина қисса ва романлар ёздим...

Яна чапак. Устод ҳар бир асари номини айтганда чапак чалинарди. У кишига малол келгандек бўлди. Чапакни биринчи бўлиб бошловчи кишига истехзоли кулиб қаради-да, сўнг аввалгидан ҳам баландроқ, хуш-чакчак руҳда давом этди.

— Академик бўлдим.

Қарсақ.

— Фанлар академиясига Фахрий президент қилиб сайландим...

Қарсақ.

— Лауреат бўлдим...

Қарсак.

— Лекин ўртоқлар, менинг худди шунга ўхшаш яна бир унвоним бор. Мен Бухоро инкилоби қатнашчиси деган мартабага эгаманки...

Қарсак.

Одатдагидек, қарсакни президиумдаги ўша тепакал киши бошлаб берар ва одамлар тинганда ҳам у бирикки бор чапак чалиб кўяр эди.

— Мен,— деди устод йўталиб олиб,— ана шу Регистонда бундан ўттиз йилча бурун юз берган тарихий воқеаларнинг тирик гувоҳи сифатида...

Қарсак.

Устод гапнинг буёғини ҳам худди ўша оҳангда, ўша тезликда давом эттирди:

— Яна худди ана шу Регистонда амир мени етмиш беш таёк урдирган...

Қарсакни бошлаб берувчи киши одат бўйича яна чапак чалиб юборди. Унга уч-тўрт киши эргашгандек бўлди. Устод ўша тепакал кишига қараб писанда қилди:

— Лекин, ҳеч қачон худа-беҳудага чапак чалмадим!

Залда гуррос кулги кўтарилди. Устод ўз нутқини бафуржа давом эттирди. Учрашув жуда самимий ва кўнгилли ўтди. Фақат яна бир марта, учрашув охирида устод келган барча кишиларга раҳмат айтгандагина қарсак янгради. Устод ўз жойига қайтаётганда секин разм солди: тепакал киши қарсак чалмай, хўмрайиб ўтирарди...

## САНДАЛ

Намгарчилик бошланиб, зада вужудларда бод хуруж қиладиган пайт. Ташқарида ҳар куни ёмғир аралаш қор ёғади. Кексалар бел ва оёқларининг зирқирашидан нолийдилар. Қим иссиқ ҳаммомга жўнайди, ким бешка бир чора излайди.

Домла Айний ҳам оёқларидаги бодни халқ табобати йўли билан даволамоқчи бўлди. Ишлайдиган хонасига сандал қурилиб, ўрик ўтининг чўғи солинди. Сандал четларига қалин кўрпача тўшалди. Ўрта деразадан сандал устига ёруғ тушиб турарди. Устод сандалда ўтириб «Эсдалиқлар»нинг охирги бобларини катта ғайрат билан ёзишга киришди. Иттифоқо, бир куни у кишини кўргани икки-уч ёзувчи келди. Айний домла тиз-



засини ушлаб ўрнидан турди. Устознинг эғнида бўлма ёкали узун камзул, оёқларида пайпок, бошида чўкки дўппи. Қўл олишиб кўришдилар. Меҳмонлар сандал четларига сиқилиб ўтирдилар. Шунда олифтарок бир ёш ёзувчи шимининг тахи бузилмаслиги учун оёғини сандалга эмас, пойгак томонга узатиб ўтирди ва тўрдаги устодга орқа ўгириб қолди. Энасиси котган устод сандал устида сочилиб ётган қўлёзмаларни йиғиштириб, ёнидаги баланд ёстиқ устига қўйди. Дастурхон ёзилиб, Самарканднинг пўлоти нони, устод ўзи тайёрлаган қўлбола нишолда, узум шиннисиси ва холва келтирилди. Шунда ҳалиги олифта, оёқларини йиғиштирди-да, тиззаларини «ўчок» қилиб ўтирди. Шерикларидан бирининг секин туртиб қўйишига ҳам эътибор бермай хўриллатиб чой ичар, дам нишолдага, дам шиннига нон ботириб оғзига тикар эди. Олифта кўрпачада қолиб кетган бир варақ қўлёзмани ёстиқ устига олиб қўяркан, оғзидаги луқмани ютатуриб, писандсиз тарзда гап котди.

— Устод, катта ёзувчисиз, академиксиз, битта яхши стол, кресло олиб, шунда ёзсангиз бўлмайди-ми? Иш ҳам унумли бўлади. Ахир, бу сандал жуда нокулай...

Устод оппок, куюқ сокол-мўйловлари орасидан ёкимли жилмайди, кўзлари бир оз сузилгандек бўлди:

— И... мулложон, кизиксиз-ку,— деди, енгил бош чайкаб.— Биз кирк ёшда ижодни бошлаб, худди ана шу сандалу анави хонтахтада ўтириб «Ишкамба»ни ёздик, «Куллар»у «Дохунда»ни ёздик, «Одина»ю «Эсдалиқлар»ни ёздик. Сиз столу креслода ўтириб, айтинчи, ҳозиргача нима ёздингиз, мулложон? Ишингизнинг унумидан гапиринг-чи...

Олифта ёзувчи каттик ўсал бўлди.

◇ ◇ ◇  
**«ҚАСАМХҲҲРЛАР»**

Бир мактабда икки бола бўйинларини жўжахўроздек чўзиб гап талашишарди.

— Этдим-ку, омадим, деб... худо урсин, чин пионерлик сўзим!

— Бўлди-бўлди,— чувиллашди атрофдагилар,— қасам ичди-ку, чин пионерлик сўзим деб.

Лекин даъвогар ҳамон бўш келмасди.

— Елғон айтвотти аввало у пионер эмас, кеча комсомолликка қабул қилинган.

«Қасамхўр» бола хижолатдан кизариб кетиб, қасамига тузатиш киритди:

— Хўп; ана, чин комсомоллик сўзим, омадим, дедим, омадим.

«Даъвогар» бола паст тушиб, бу қасамга ишонгандек бўлди. Ўртоқлари ҳам уни ишонишга даъват этишди.

Инкилобгача каттадан-кичик ҳамма қасам ичишдан ўзини тийган. Беихтиёр ўринсиз ичилган қасам учун каффорат берилган. Қасам устига қасам ичилмаган. Ота-оналар ҳам фарзандларини қасамдан кўркиш руҳида тарбиялаганлар. «Эҳтиёт бўл, қасам уради» деганлар.

Ўтмишда гуноҳкорларни бўйра устига чўктириб, кўп олдида китоб билан қасам берилган. Бу энди шариат йўли. Баъзи халқнинг қасамга ўта содиқлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар ҳам бўлган. Камбағал-бечораларни, айниқса, яланғоч норасидаларни мажбурлаб қасам ичириш Оллоҳга ҳам хуш келмаса керак. Қуйида шу тоифа қасамхўрлар ҳақидаги хангомаларни ўқийсиз.

## ЭЧКИ СУТИ

### *Шариф Нурхон ҳикояси*

Э, жонидан; бойларни ҳам яхши-ёмони бўлган. Қишлоғимизда битта Холикбой деган бой бўларди. Мен ўшани эшигида етим эдим. Жуда зуғуми баланд эди. Ун уч ёшларда бўлсам керак, ўшанда. Битта зоғора эвазига унинг кўй-эчкиларини боқардим. Шеригим Комил деган бола. У Абдулло бойни молларини боқар эди. Мен билан ҳам бўйинса, камбағалгина бола эди. Айни қимматчилик йиллари, ҳозиргига ўхшаб пешинда иссиқ овқат ейиш қаёқда. Эрта билан битта зоғорани кўлтиққа кисиб, кўй-эчкиларни олдимизга солиб яйловга кетганча шом қоронғусида қайтамиз. Аҳволимиз жуда ночор эди, биродарлар. Битта зоғора ўзимизга тугул, жулдурларимиздаги битимизга ҳам зўрға етарди.

Бир куни пешинга етар-етмас, иссиқдан мадорим қуриб, ҳушимдан кетиб йнқилиб қолибман. Бир пайт кўзимни очиб қарасам, бошимни учида Комил турибди.

— Нима бўлди, жўра?— деди кўзларига ёш олиб.

— Билмасам, кўзим тиниб, бошим гир-гир айланади,— дедим.

Комил пешонамни силаб, кўзларимга тикилди.

— Э, бу очликдан,— деди.

— Билмадим, эрталаб зоғора евдим,— дедим лабларимни ялаб. Комил тирсагимдан ушлаб, тур-ўрнингдан деди. Зўрға турдим. Яна кўз олдимда майда-майда йилтирок ҳалқачалар пайдо бўлди. Мени олиб бориб, юлғуннинг соясига ётқизиб қўйди.

— Хеч кимга айтмасанг сенга бир нарсани ўргатаман,— деди шивирлаб.

— Айтмайман.

— Эчкиларингдан сут берадигани борми?

— Бор, иккита,— дедим.

— Бўлмаса бир иш қиласан,— деди у аввалгидан ҳам паст овозда,— ўша эчкилардан ҳар куни биттасини навбат билан эмасан.

— Елин ҳалтаси бор-ку, ахир.

— Бўлса нима, елин ҳалтасини секин очиб, эмасан, эмиб бўлгач, яна бойлаб қўясан. Юр, қандай эмишни кўрсатиб қўяман.

Комил бархан соясида чўзилиб ётган қўй-эчкиларнинг олдига мани суяб олиб келди. Қайси бири, деб сўради. Бўйни оқ, шохдор эчкига ишора қилдим. Комил эчкининг пешонасини, бўйнини силаган бўлди. Эчки жонивор ҳам «Бэ-э» дея менга каради.

— Нега анграйиб колдинг, яқинроқ кел,— деди Комил,— мунга ушлаб тур, елин ҳалтасини ечай.

Эчкининг бўйнидан кучоқлаб турдим. Комил эчкининг белига яқин чандиб бойланган елин ҳалтаси ипларини ечди. Эски дўппидан қилинган ҳалтани туширди-да, эчкининг елинига кафти билан охиста уриб қўйди. Жонивор эчки ийиб кетиб орқа оёқларини керди.

— Қе буёкка,— деди Комил.— Қуйвор, хеч каёкка кетмайди, кел... қани эм-чи...

Тортиниб, қимтиниб, энгашиб эчкининг елинига оғиз солдим, аввалига шўртак бир таъмни туйдим.

— Сўр,— деди Комил.

Сал сўрган эдим, оғзим бирданига илик, хушбўй суюкликка тўлиб, томоғимга учиб ўқчидим. Эчки бир қадам олдинга сурилиб кетди.

— Ош бўлсин!— деди Комил орқамга шап-шап урди. Иккинчи марта елинга оғиз солиб эмишга тутиндим. Охиста, авайлаб эмишим «Шохдор»га ҳам ёқиб тушди, шекилли, жимгина бошини солинтириб турарди.

Икки-уч културм сут ичимга тушгач, кўз олдим равшанлашгандек бўлди.

Шу-шу ҳар куни битта эчкини эмадиган бўлдим. Жонивор эчкилар ҳам менга ўрганиб колди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас бу одатимни бойнинг кичик хотини сезибди. Чунки бир куни «Шохдор»нинг сути қуриса, иккинчи куни «Калак»нинг сути қурирди. Бойвучча эрига чақиб берибди. Бой ичкари ҳовлисига олиб кириб қистибастига олди, кейин юзимга бир тарсаки туширди, йикилиб тушдим, лағати билан орқамга ҳам тепди.

— Тур ўрнингдан!— деди бакириб.— Бу ёкка кел!

— Қўрқиб секин ёнига борарканман, тавба килдим, бой бобожон, дедим. Бой ёнидаги ясатилган дастурхондан икки парча ёғлиқ патирни олиб, ушла бунни, деди. Патирни қўлимга олдим, очиғи ҳалиги еган тарсаки-ю, тепкиларни ҳам унутиб, шу топда патир егим келиб кетди.

— Менга кара, Шарифча,— деди бой.— Қасам ич, яна эчкингизни эмсам, нон урсин, бой ота де. Такрорла!

— Яна эчкингизни эмсам, нон урсин.

— Яна эчкингизни эмсам, чор китоб урсин, де.

Чайналиб колдим. Очиғи қўрқиб дир-дир титроққа тушдим. Чунки отам раҳматликнинг «Қасамхўр» — душмани худо» деганлари эсимга тушиб кетди.

— Такрорла!

— Яна эчкингизни эмсам, чор китоб урсин!

— Яна эчкингизни эмсам, пес бўлай, де.

Кўз олдимга отам билан Хўжайи Убон авлиёсига борганимиз ва у ерда қумга товланиб ётган ола-була кишилар кўриниб, ерга қарадим. Бутун вужудим жириллаб кетди.

— Такрорла!

— Яна эчкингизни эмсам, ...ес бўлий,— дедим хикиллаб.

— Тўғри айт!

— Айтдим-ку ...ес бўлий...

Бой манга бошдан-оёқ бир қараб олди-да:

— Бор энди,— деди босик овозда,— яна эчкини эмсанг, бир умр нонга зор бўлиб ўтасан, қасамни бузсанг, бутун авлодинг билан чор китоб уради. Ўзинг эса песмахов бўлиб, радди-маърака бўласан, тушундингми?

— Тушундим,— дедим, патир ушлаган қўлчаларим қалт-қалт титраб. Кейин ўзимга келиб, патирни дастурхонга қўймоқчи эдим, бой «олиб бор, ўзинг е» деди. Секин қўрага қайтдим. Эртасига яна қўй-эчкиларни

яйловга хайдаб чикдик. Тушликда Комил чакириб колди.

— Нима дейсан?

— Эчкиларни эммаймизми?

— Йўк,— дедим,— энди эммайман, бой касам берди. Нон урсин, чор китоб урсин, пес бўлай деб касам ичдим.

Ўша куниям, унинг эртасигаям эчкини эммадим. Бу орада Холиқ бой бир даврада шу гапни айтган экан, Комилнинг хўжайини ҳам қаттиқ тергабди.

Кундан-кунга аҳволим оғирлашиб, чўпдай озиб кетдим. Бир куни мендан хабар олгани мадрасада ўқийдиган тоғам Самад Махсум келиб колдилар. Рўпокча (белбоғ)ларидан иккита иссиқ нон ва қоғозга ўроғли пашмак ҳолва олиб бердилар. Ютоқиб нон ва ҳолва ейишимга разм солиб туриб раҳмлари келиб кетди. Бир фурсат уёк-буёкдан суҳбатлашиб ўтирган бўлдик. Мен ҳам пайт пойлаб туриб:

— Тоғажон, касам қандай уради?— деб сўрадим. Дастлаб у киши чуқур ўйга толдилар, сўнг:

— Нобакор бой,— дедилар куюниб,— сенга касам бердими?

— Ҳа.

— Бойга сигирларидан соғиладиган шунча сут камлик қилибди-да. Вой очопат. Шундай қилиб эчкини эммай қўйдингларми?.. Бекор қилибсизлар.

— Нега, касам уради-ку, охи!— дедим чинкириб.

Тоғам раҳматлик жуда мулойим, кўзларидан ақлзаковат ёғилиб турувчи киши эдилар.

— Бой қанчалик ҳийлагар бўлмасин, ҳийлагарликни ундан ҳам оширса бўлади.

— Қандай?

— Сен бойга, минбаъд эчкингизни эмсам, нон урсин, чор китоб урсин, пес бўлай деб касам ичгансан-а?

— Ҳа.

— Комил ҳам шундай касам ичганми?

— Билмадим, шундай чоғи.

— Ундай бўлса, бундай қиласизлар,— дедилар Самад Махсум,— сан Абдулло бойнинг эчкисини, жўранг Комил сен боқаётган Холиқбойнинг эчкиларини эмсин, ана шунда икковларингни ҳам касам урмайди.

Бу гапни Комилга айтувдим, уям хурсанд бўлиб кетди. Мен у боқадиган эчкиларни, у мен боқадиган эчкиларни алмаштириб эмадиган бўлдик. Бой кичик хотинининг гапига учиб, яна «нега эчкининг сүти кам»

деб сўраган эди, агар ўша қасамдан кейин эчкингизни эмган бўлсам... дея ўша галги қасамни бемалол ичиб юборавердим...

Тезда юзларим кип-кизил бўлиб, ўзим ҳам эт олиб семирибгина қолдим. Эчки сути витаминли, шифо экан-да, биродарлар. Ана ҳозир етмиш саккизга кирдим. Оллоҳга шукур, Холикбой манга зўрлаб ичирган қасам менга эмас, ўзига урди. Ундан зот-зурёд ҳам қолмади. Ишкилиб, охиратда ўзи бандам деган бўлсин-да.

## КЕКИРДАК

*Мулло Сафо ҳикояси*

Янглишмасам, ўн олтинчи йиллар эди, кишлоғимиздан Парпи тайёр деган чоракорни Вобканга, қозихонага чақириб қолдилар. Иккита миршаб келиб олиб кетгани элас-элас ёдимда. Парпи тайёр бекас, якка ўғил бўлгани учун отам ва яна кишлоғимиздан икки-уч бўз болалар унинг изидан йўқлаб боришибди. Отамнинг айтишича, Парпи тайёрни қасамхўрлиги ва қасамини бузгани учун жазолаб, олча хивичи билан белидан елкасигача, гўштлири титилиб кетгунча савалабдилар, Шом қоронғусида филдираги одам бўйи келадиган қўқон аравага ортиб, устига шолча ташлаб олиб келувдилар. Ўша куннинг эртасига кишлоқда яна бир мишмиш тарқалди. Мачитнинг қуйидаги хужрасида ёлғиз ўзи яшайдиган Мирзо Ҳалимни кишлоқдан бадарға қилибдилар. Чунки Парпи тайёрга қасамга қарши хийлани ўша ўргатган экан. Қанақа хийла, дейсанларми? Бу хийла шайтондан бошқа мусулмон бандасининг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди.

Парпи тайёр Иброҳим бойнинг ерларида чоракорлик қиларди. Яъни, етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини олишга ҳақли эди. Ўша йили баҳор серёгин келиб, буғдой роса бўлиб берди. Ҳар бошок — бир қарич, гиж-гиж дон. Буғдойни ўриб хирмон қиладилар. Парпивоё бир ҳафтача йигирмата эшакни бўйнима-бўйин боғлаб, айлантириб хўп қўшади. Эшаклар чарчагач, ҳўкизларни қўшади. Алқисса, хирмон обдон янчилиб, дони донга, сомони сомонга ажралганда, ўртага бир копни буғдойга тўлдириб, савоб бўлар, деб мусофир Мирзо Ҳалимнинг хужрасига олиб боради. Шам ёруғида бир нималарни ёзиб ўтирган Мирзо Ҳалим уни иззат-икром билан кутиб олади. Боридан ўрта-

га кўяди. Дастурхон устида Парпи тайёр турмушнинг машаққатларию бойнинг ноннсофлигидан нолиб қолади.

— Наники бой отангиз еб-ичишга ҳам рухсат бермаса?— деб сўрайди Мирзо.

— Худога шукур, оғзимиз кўкка тегди,— дейди Парпи тайёр.— Бир амаллаб қозон қайнатиб турибмиз, гоҳ ёрма, гоҳ атала дегандай... Э, нимасини сўрайсиз, ҳали ғаллага ўрок тушмасдан бой ота: Парпи, мен санга ема демайман, е, биламан аҳвол оғир, очарчиликдан зўрға қутулдик, шунинг учун, кекирдакдан, яъни томоқдан ўтгани ўзингники, агар шундан бир кафт ортиғига кўз тиксанг, у дунё, бу дунё рози эмасман. Кани, ана бу гувоҳлар олдида қасам ич, деб сўфи билан оксокол олдида қасам берган. Шунинг учун кўриш бор-у, қориндан ортиғига ейиш йўқ, билмадим эрта кишда нима қиламиз. Ҳар қалай, ўтган йил қасам ичмаган эдик, бир коп, ярим коп дегандай...

Мирзо бирпас ўйга толади. Сўнг қулимсираб Парпи тайёрга қарайди. Парпи тайёр тиззасининг кўзига тикилиб тураверади.

— Гап бундоқ,— дейди Мирзо кафтига йўталиб олиб,— айтингчи. Иброҳимбой сизга кекирдакдан, яъни томоқдан ўтгани ўзингники, дедими?

— Ҳа.

— Ҳа, ана бале,— деди кўзларини ўйнатиб Мирзо,— ўша нобакор бой топган-тутганини бир хийлайи шаърий ишлатамиз, қасам урмайди.

— Ҳўп-ҳўп!— Парпи тайёр чўккалаб ўтириб, қулоқларини динг қилади.

— Пайшанба бозорга тушиб, кассобхонадан қорамолнинг узун бир кекирдагини оласиз. Йўғонлиги биллақдай бўлсин. Ушани шамолга осиб, роса қуритасиз.

— Нима учун?

— Гапимни бўлмайд, кулоқ солинг. Кейин ўша янчилган хирмон жойидан битта лаҳм-чукур қазасиз, унгача битта калинрок тахта топиб, ўртасини тешиб, молнинг кекирдагини ўтказиб, мустаҳкамлайсиз. Кейин шу тахтани лаҳм устига қўйиб кўмасиз. Ҳар куни хирмон совурганда ана шу кекирдакдан чукур тўлгунча дон ўтади. Ана шу донни уйга обкетасиз. Сизни қасам урмайди, чунки бойнинг ўзи кекирдакдан ўтгани сеники, деб розилик берган. Бу дон сиз учун ҳалол бўлади.

Парпи тайёр ўйлай-ўйлай Мирзо Ҳалимнинг айтганини қилади. Икки-уч кун хирмон остидаги чукур ке-

кирдакдан ўтган донга тўлади. Парпи тайёр ҳар хирмон совурганда Мирзонинг топқирлигига қойил қолиб, унинг ҳаққига дуо қиларди. Учинчи куни тушдан кейин Иброҳимбой хирмон бошига келиб Парпи тайёрнинг буғдой соворишига разм солиб, кузатиб туради. Унинг имиллаб ишлашидан энсаси қотиб, куракни буёққа ол, дейди. Куракни олиб, эпчиллик билан, мана бундай сокурадилар, дея сокура-сокура чошнинг ярмига келганда... бой семиз, етти пудча эмасми, кекирдак ўтказилган тахта «қарс» этиб синиб, чуқурга «лўп» этиб тушиб кетади.

— Бу нима қилганинг, кучук?— дея инграйди бой чуқурда типирчилаб. Атрофдан бошқалар ҳам югуриб келади. Бойни бир амаллаб чуқурдан тортиб оладилар. Оёғи лат егани учун, оксаб келиб, чуқурни кўздан кечиради. Тахтани олиб қарайди, унда ярим қулоч келадиган бир нарса осилиб турарди.— Бу нима, касофат?

— Кекирдак,— дейди Парпи тайёр ерга қараб. Шундай қилиб, Парпи тайёрнинг хийласи ошкор бўлиб, иши қозихонага тушади.

Ҳозир Парпи тайёрдан ҳам хийлагар, қасамхўр бозорчи-тижоратчилар кўп-у, лекин уларни хивич билан савалаб, сазойи қиладиган қонун чиққанича йўқда, болам...

## ТАБАССУМ УЧКУНЛАРИ

### ЭЪЛОН ВА ШАРҲ

ЭЪЛОН: «Унарфильм» киностудияси 1998 йилдан бошлаб «Қизгина» фильмини суратга олишга киришади.

Фильмда рол ўйнашни хоҳловчи 11 ёшдан 33 ёшгача бўлган бир умр сочини қиркмаган чилвир сочли, тирноғи ва лабларини бўямаган табиий гўзал, соҳибжамол қизлар таклиф этиладилар. Қизлар турар жойдан ва қизликлари ҳақида дўхтирдан маълумотнома (справка) тақдим этишлари лозим.

Яна «Унарфильм» шу фильмда қатнашиш истагини билдирган соқол-мўйловли (рангидан қатъий назар), дўппи ва ўзбекча кўйлак-иштон кийган 18-40 ёшдаги эркак жинсига мансуб йигитларни ҳам ўз бағрига чорлайди.

Шунингдек, «Унарфильм» студиясига 1999 йилга суратга олинадиган кўп серияли, рангли «Онахонлар»



фильмида ўйнаш учун 70 ёшдан 100 ёшгача бўлган қулоғи аппаратсиз эшитадиган, тишлари протез бўлмаган нуроний чолларни таклиф этамиз. Мабодо отахонларнинг ўзлари кела олмасалар, 328-42-15 рақамли телефонга кўнғирок килсалар, ўзимиз бориб олиб келамиз. Вилоятлардан келувчиларга йўлқира-сафарнома хақи нақд тўланади.

Шошилинг, соҳибжамол кизлар, мард ва жасур ўғлонлар, нуроний отахонлару онахонлар! «Унарфильм» сизларни интизорлик билан кутади. Бағримиз туну-кун ҳамиша сиз учун очиқ.

«Унарфильм» хомийси: Ҳалим Унарбек Бобожон ўғли.

ШАРҲ. Мухбиримиз кейинги эълонни шархлаш учун машҳур санъаткор Ҳалим Унарбек Бобожон ўғли билан мулоқотда бўлди.

— Ҳурматли хомий жаноблари!

— Қулоғим Сизнинг ихтиёрингизда.

— Эълонда 11 ёшдан 33 ёшгача бўлган кизларни таклиф этгансизлар, буни қандай тушунсак бўлади?

— О, эълон! Эълон ҳам бир асар. Буни тушунмак учун жиндай фаросат керак, холос. Масалан, «Қизгина» фильмимиз 1998 йилда суратга олинади. Демак, хозир, шу кунларда бизга мурожаат қиладиган 11 ёшли шу кизлар шу давр мобайнида 17 ёшга тўладилар, 33 ёшлилар эса 40 ёшга тўладилар. Ана шунда биз 17 ёшлилардан бош қахрамонимиз Қизгина ролига, 40 ёшлилардан эса унинг онаси ролига актрисалар танлаймиз.

— Қойил. Унда кизлик ҳақидаги маълумотноманинг нима кераги бор?

— «Ишингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма» дейди доно халқимиз,— Ҳалим Унарбек мийиқларида қулиб қўйдилар,— ҳар қалай эҳтиёт яхши-да, ўзингиз биласиз киночи халқининг қандайлигини.

— «Онахонлар» ҳақидаги фильмга нуқул чолларни қабул қиларкансизлар. Ахир фильмнинг номи «Онахонлар» бўлса...

— О, жуда қалтис савол бердингиз-ку. Келинг, майли, ошқоралик бўлгани учун айта қолай. Бу ерда ўз «секрет»имиз деймизми, сиримиз бор. 1999 йилда суратга олинадиган бу фильмда ҳам биз 1998 йилда суратга олинажак бугунги 33 ёшли ўшандаги 41 ёшли кизлардан онахонлар ролида фойдаланамиз... бошқа саволингиз бўлмаса, шу ерда тугата қолсак... 2003 йил-

да суратга олинадиган «Шаршара» фильмининг режиссёри билан газетага эълон тайёрлашимиз керак эди...

— Мазмунли суҳбатингиз учун кўп раҳмат, ҳурматли Халим Унарбек жаноблари!

— Ташаккур, сизга-да! 2000 йил кино экранларида учрашгунча хайр!..

## ЧОЙ ҚАДОҚЛАШ ФАБРИКАСИНИНГ ДИРЕКТОРИГА

### ИЛТИМОСНОМА

Ассалому-алайкум, ҳурматли директор ука. Камина кирк уч йиллик самоварчилик истажига эга Мамат мўйлов тоғангиз бўламан. Гулистон даҳасидаги маълум ва машҳур «Ором» чойхонасининг завидиши. Кўпдан бери сизга бир хат ёзиш орзусида эдим. Мана, ошкоралик туфайли шу фурсат ҳам етиб келди.

Энди гапди ўғил боласини айтадиган бўлсак, шу кеча-кундузда ҳақкингиизга дуо қилишдан қўлим бўшамай қолди. Баракалар топинг. Биродари азиз, мана беш-олти йилдан бери Сизлар қадақлаб чиқараётган кўк чой ўзининг таъми, шифобахшлиги билан мижозларни, айникса биз каби самоварчиларни ниҳоятда хурсанд қилмоқда. Сабаб, сиз бошлиқ корхона аҳли дунёда биринчилар катори кўк чойга талха ўт, беда, отқулок баргларини аралаштириб чиқаришга мослаштирилди. Бу биз камбағал самоварчиларга жуда қўл келмоқда. Масалан, камина тоғангизни олинг. Сиз қадақлаб юборган чойдан беш йил давомида олти ғарам ем-хашак жамғардим. Чойхона этагида айвон куриб, йигирмадан ортик қора молни сўқимга, кирк-элликта араби қўйни бўрдокига боқиб, гўштини ошхўрларга тарқатдим. Албатта текинга эмас. Ҳар кило гўштини 6-7 минг сўм, бўрдоки, гўштини ўн-ўн минг икки сўмгача пулладим. Ёлғон айтиб нима қиламан, ёлғончи — душмани худо. Хуллас, кўк чойга аралаштирилган бедангиз эвазига мол боқиб ўн беш миллион сўмга яқин жамғарибман. Шу орада барака топкурлар бизга ҳам томорқа ери ажратишди. Ўн беш сўтих. Ҳозир қурилишни бошлаб юбориш ниятидаман. Факат бинокорлик матерёли тахчил бўлиб турибди. Ўзи ерда-ю, нархи осмонда. Бунни қарангки, шу масалада ҳам яна сизнинг хизматингиз асқотиб қолди. Бултурдан бошлаб ҳинд (памил, қора) чойига фанарка аралаштириб чиқара бошладингиз.

Бизга ўхшаш камбағал-бечораларга қурилиш ашёларининг зарурлигини қайданам эшита қолдингиз экан. Фаросатингизга қуллук, ука. Раҳмат Сизга! Памил чойдан икки уйнинг шифтига етадиган фанарка ва икки кубча ёғоч айриб деворга суяб қўйибман.

Садағангиз кетай, жон ука! Энди самон ва шағалдан бироз қарашиб юбормасангиз бўлмай қолди. Пойдеворга кечикияпмиз. Илтимос, навбатдаги қадақлайдиган чойингизга нафақат беда, фанарка-ю ёғоч, балки, семон, шағал ва бошқа хил қурилиш ашёларини ҳам аралаштириб юборсангиз.

Салом билан:

Мамат мўйлов САРИМСОҚОВ.

Дарвоқе, тагин чойга апалупка ва семон қорадиган қозонни аралаштириб овора бўлманг, қассоб қўшнимиздан олиб турармиз.

## ДАВЛАТ ТИЛИДА

*Машҳур соҳибкор Қўйбоқар Жўраевнинг  
боғбонлар кенгашидаги сўзидан*

Хурматли, азиз ўртақлар! Бизнинг «Ленинский пўт» шўро хўжалиги рабочи, тойис ишчилари ҳам Агрпрамдан кеған қарорларни дастрўмал қилиб, қуванчли, катта натижаларди қўлга қиритдилар. Улар напақат шўра хўжалигимизда, напақат наҳуямизда, напақат вилоятда, балки жумҳуриятда ҳам биринчилар қатори хўл ва қурук мева давлат режаларини шарап билан бажардилар. Она Ватанга 10 минг кила семеренка, 12 минг кила антонопка олмаларини териб, ёшиқларга жойлаб, тайярлав ташкилотларга жўнатдик. Олма теришда, узум узишда бизга шаҳардаги илмгоҳларди толабалари яхши ёрдам бердилар. Қишлак шўра найиблари йиғимтеримда яхши ташкилатчилик кўрсатдилар.

«Ленинский пўт» шўра хўжалиги наҳуямиздаги... мен давлат тилида, законний гапираяпман, сўзимни бўлмай туринг; ўртақ Некалай Векторович! Шўитин «Ленинский пўт» шўра хўжалиги наҳуямиздаги «Завит Илича» жамхўжалиги билан сосиялистик мусабакка ўйнаған. Ҳар иккала хўжалик бир бўп Сибирдаги бирардлашған шаҳар ва наҳуяларга эки ваган олма, бир ваган винний узум жўнатдик.

Агрпрам жамхурият рансининг бугунги қиған ма-

рузиясидан элхамланиб, яна шўра хўжалигимиз ва нахуямиз...

— (тик-тик) Товариш Джураев, кончайте, регламент!..

## ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

У боши қичиса товонини қашлайдиган одат чиқарди.

\* \* \*

«Товук бир тухумни икки марта туғмайди». Бу ҳақиқатни айтиш учун Афлотун бўлиш шарт эмас.

\* \* \*

«Фойда» сўзи аслида «пайдо»дан келиб чиққан. Чунки пайдо бўлишнинг ўзи ҳам кимлар учун фойда-да.

\* \* \*

## БАРМОҚ

(Й. ПОПОВдан)

Бир куни қўлнинг Бош Бармоғини каттиқ айблашди: У ўз шериклари Кўрсаткич ва Ўрта бармоқлар иштирокида ошқора уятсиз киёфасига кирган.

Иштирокчи Бармоқлар Бош бармоқнинг ниятини нотўғри тушунганликларини айтиб кечирим сўрай бошладилар. Ниҳоят орани очик қилишга тўғри келди.

— Сизлар бундай қилмасликларинг керак эди,— дея ўшқирди Бош Бармоқ,— яхшиси икки лаб орасидаги Тилнинг алжирашини эшитинглар. Унинг ликиллаши олдида бизнинг қилиғимиз ҳолва-ку...

## ФЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Оч қолсангиз овқат енг.

Ёмғир ёқканда соябон олишни унутманг.

Тиш қовлаганда гугурт чўпидан фойдаланинг.

Ғунажинни буқанинг ёнига боғламанг.

Лайчангиз соғлом ўссин десангиз, унга товук гўшти ва сервелад қолбасаси беринг.

Янги туфлингиз оёғингизни сикса ечиб қўлингизга олволинг.

Митингга чиқканда мелесадан узокрок турунг.

Конъяк ичганда бир бурда нонга сариёғ ва унинг устидан қора икра суриб газак килсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошбақа тухумини товукка бостирманг.

Сумалакни қошиқ билан еманг.

Наврўзда хўкизингиз шохини мойлаганда зигир (жувоз) ёғидан фойдаланинг.

## ШУНДА МЕН

### *Ўз-Ўзимга ҳайкал*

Оғзимдан тушиб қолган гапларни бировлар териб, овора бўлиб юришмасин, дедим. Қолаверса, ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор.

Ҳайкалтарош Н. А.

\* \* \*

Қўшиқчи шоир, марҳум Уйғун ака таъбири билан айтганда «Зоҳиджон ханда», яъни Зоҳиджон Обидов билан ўн йилча бирга ишладик. Кадрдонмиз. Бир куни у киши:

— Мулло Неъматулло,— дедилар гулдираб,— шу бухороликларингиз ҳам зап кизиқ одамлар-да, «Лаби ховуз»да Насриддин афандига кўшиб эшакка ҳайкал ўрнатишибдим, хо-хо-хо!

Шунда мен:

— Ҳа, Зоҳиджон ака, Бухорода эшак кам-да,— дедим.

\* \* \*

Истеъдодли шоир, камтарин инсон Толиб Йўлдош билан ака-укамиз. «Қаҳқаҳа» китобимга қалам ҳаққи олганимни кимдандир эшитиб қолибдилар.

— Сан, номард, шунча пул олибсан, битта шапка олиб берай ҳам демайсан, қара ана буни, яғири чикиб кетган,— дедилар.

— Шапка сиздан айлансин, Толиб ака,— дедим,— эрта тушликда келинг, ҳам бирга овқатланамиз, ҳам янги шапка кийиб кетасиз.

Хайрлашдик. Ўша куни Набижон Бойқўзиев билан ЦУМдан Толиб акага янги шапка харид килдик. Эрта-

сига Толиб ака айтилган вақтдан икки соат олдин етиб келди. Янги шапкани бердик.

— Қаний,— деди у шапкани кийиб.— Оббо... санларни пешобингдан ер ёлчирмиди, катта-ку бу?!

Шунда мен:

— Зарари йўқ, Толиб ака, пайтава ўраб кийсангиз лоппа лойик келади,— дедим.

\* \* \*

Дўстим, саргузашт ёзувчи Саид Равшан билан хиёбонларни айланиб юрибмиз. У одатдагидай ховлиқиб сўради:

— Неъмат, ана бу терак канака дарахт-а жўра?

Шунда мен:

— Бу терак тол бўлса керак,— дедим.

\* \* \*

Машхур эстрада артисти Владимир Лапинни «Етти жин» фильмида, сиркда, кансертларда кўп кўргансиз. У уруш қатнашчиси. Қорни тарвақайлаб кетган, семиз киши. Бир куни у мақтаниб қолди:

— Знаеш братан, я офицер запаса!

Шунда мен унинг қорнига шап-шап уриб:

— А это, запас офицера!— дедим.

\* \* \*

Бир куни масхара расмлар устаси Наримон Иброҳимов билан сафарга чикдик. У содда, самимий киши. Москвадан туғилган, қишлоқда деярли бўлмаган. Муҳарриримиз Иброҳим ака, анови буғдой дарахтларига қаранг, десалар ҳам ишонади. Айланиб, айланиб, пода боқилаётган яйловга келиб қолдик. Бир буқа сигирларни қийратиб қувига юрарди.

Наримон ака:

— Қаранг, қаранг,— деди қийқириб,— хотинбоз экан!

Шунда мен:

— Хотинбоз эмас, сигирбоз,— дедим.

\* \* \*

Ўта ҳазилқаш, бадиҳагўй акамиз Зоҳиджон ханда (Зоҳиджон Обидов) билан уй тўйида ўтирган эдик. Давра қизигандан қизиборарди. Уй эгаси ликобчаларда жўжа қовурдоқ (табака) кўтариб кирди. Зоҳиджон ака яйраб, байт айтиб юбордилар:

Келганида табака  
Бўлиб кетаман сабака.

Шунда мен:

— Бир пас бўлмай туринг, давра бузилмасин,— дедим.

\* \* \*

«Шарқ юлдузи»да ажойиб бир йигит ишлайди. Оти Юсуф. Ҳамкасblари уни «Юсуф тожик» дейишади. Юсуфжон адабиётни жуда яхши тушунади. Тил ҳақида баҳслашганда, кўпчилик голиб чиқади. Бир куни унга кўнғирок қилдим. Телефон гўшагини ўзи кўтарди.

— Да-да!

Шунда мен:

— Дадангиз эмасман, акангизман,— дедим.

\* \* \*

Атокли адиб Мурод Муҳаммад Дўст Москвада ўқирди. Бир таътилда у мени йўқлаб «Муштум»га келиб қолди. Сокол кўйибди. Қопқора тўсдай. Ёнида Маҳмуд Ақром деган шоир дўсти. Сухбатлашиб ўтирган эдик, Эркин Аъзамов кўнғирок қилиб қолди:

— Салом, акахон, ёнингизда ким бор?— деб сўради у.

Шунда мен:

— Бир соқолли ва бир несокол,— дедим.

\* \* \*

Раҳматлик Уйғун домланинг 75 йилликлариди Зоҳиджон ака учаламиз Фарғона сафарида бўлган эдик. Уйғун ака кекса бўлишига қарамай жуда қувноқ, ҳазилкаш ва ҳозиржавоб. У дўконда шим кўриб: «Одам эрмасмен вале, Риштонда иштон киймасам» сингари беҳаё бадихалари билан одамларни кулдиради. Учрашувлардан сўнг кишлок «Универмаг»ига кирдик. Уйғун домла:

— Зоҳиджон, анови майканинг 60 размеридан учта, пайпоқнинг 29 размеридан ўнта олинг,— дея топшириклар берадилар.

Иттифоқо магазиннинг нариги чеккасидан Зоҳиджон аканинг гулдираган овози келди.

— Домла, тиш чўтка бор экан, Сизга ҳам олайми?

— Учта олинг.

— Бўлмаса оғзингизни размерини айтиб юборинг?

Шериклар кулишди. Уйғун домла «Ужас, баттар бўлинг!» дея ғўлдиради. У кишининг ёнидан тезда Зоҳиджон акага яқинлашдим.

— Эшитмай колдим, домла нима дедилар?— дея сўради у.

Шунда мен:

— Оғизлари безразмерний экан,— дедим.

\* \* \*

«Муштум» коғоз танқислигидан ойида икки марта эмас, бир марта чиқадиган бўлди. Худди шундай кунларнинг бирида уруш ногирони Зоҳиджон Обидов хас-саларини тўқиллатиб кириб келдилар.

— Мулло Неъматулло, бизнинг лапарни қайси сонга тушурдинглар?

— Олтинчи сонга.

— Март ойида эканда?

— Йўк, июнда...

— Ия,— дедилар у киши, бу журнал ойида иккита сон чиқарди-ку.

Шунда мен:

— Бозор иктисодиёти бошланиб, «Муштум» ҳам Сизга ўхшаб бир сонидан ажралди,— дедим.

\* \* \*

Унвон, орден-медаллар олиш ва бериш авжга чиққан турғунлик йиллари эди. Бир кун муҳарриримиз Иброҳим Раҳим:

— Мукофот сўраб олинмайди,— дедилар.

Шунда мен:

— Тўғри, югуриб, елиб олинади!— дедим.

\* \* \*

Тошкентга ишга таклиф этилгач, анчадан кейин йўлим Бухорога тушди. Район комфирка комитети котибларидан бири билан учрашишга тўғри келди.

— Ҳм,— деди у ўтирган еридан қўлини чўзиб,— халиям област радио — узелида (радиокомитет демоқчи) ишлайсанми?

— Йўк, ҳозир Тошкентдаман.

— Э, ха. Қаерда ишляпсиз?— деди у беихтиёр сизсирашга ўтиб.

— «Муштум»да!



— Э... э... одамларни танкид киларкансизда?

Шунда мен:

— Йўк, ноодамларни танкид киламиз!— дедим.

\* \* \*

Бир куни Садриддин Айний хакида ойнайи жаҳонда кўрсатув бериладиган бўлди. Унда Абдулла Қаххорнинг вафодор рафикаси, таржимон ва матншунос Кибриё Қаххорова ҳам катнашишлари керак эди. Режиссёр Хамид Қахрамоновнинг таклифи билан у кишига кўнғирок килдим.

— Кандок бўларкин,— дедилар Кибриё опа нолиб,— фишори хун баланд... а, лаббай... ҳозир, телевизорга чиксак, аёғим тагин оғриб турибди, кандок киламиз?

Шунда мен:

— Зарари йўк, ойтимулло, ҳозир машина билан бориб обкеламан, режиссёрга айтаман оёқларингизни телевизорда кўрсатмайди,— дедим.

\* \* \*

Машҳур театршунос олим Фрунзе Жўраев миллий санъат хакида шов-шувли мақола олиб келдилар. Мақолани «Муштум»да босишга қарор килдик. Фрунзе ака дастлаб хурсанд бўлдилар, сўнг:

— Шу отимиз замонга жиндай тўғри келмай қолди,— дедилар уялиб, кимтиниб,— кеча Шукрулло ака ҳам Фрунзени ўзгартир, девдилар.

Шунда мен:

— Бемалол ўзгартирсак бўлади. Бишкек Жўраев деб кўямиз,— дедим.

\* \* \*

Бир куни машҳур масалчи Мухтор Худойкуловнинг янги китоби — «Минг бир масал» Фафур Фулом номидаги нашриётнинг бадий кенгашида муҳокама қилинадиган бўлди. Кенгашни Саид Аҳмад ака бошқариб борарди. Муаллиф ўз асарларидан ўқий бошлади. Битта ўқиди — ҳеч ким қулмади, иккита ўқиди — сув қуйгандай, учинчи масални ҳам ўқиди яна ўша гап.

— Нимага кулмайсизлар?— деди Мухторжон кизариб,— кеча турмадаги учрашувда шу нарсаларни ўқиганимда ҳамма кулган эди-ку.

Шунда мен:

— Бу нарсаларга кулиш учун беш йил иш олиб, камокда ўтириш керак,— дедим.

\* \* \*

«Қаҳқаҳа» китобим чикканда бир куннинг ўзида Максуд акага, Миад акага ва Саид Аҳмад акага дастхат ёзиб бердим. Қитмир дўстларимдан бири яширинча бу дастхатларни ўқиб олиб, мендан кула бошлади.

— Ўзингиз ҳам жа кувсиз-да, бу устозингиз нечта ўзи? Максуд аканиям, Миад акаю Саид Аҳмад аканиям устозим, деб ёзибсиз...

Шунда мен:

— Устозим кўп. Масалан, Максуд ака менга мавзу танлаш ва ош пишириш бўйича устоз, шахмат бўйича Миад ака, раҳбарлик бўйича Иброҳим ака, ҳаётни ўргатиш, ёзиб-чизиш бўйича устозим Саид Аҳмад ака... шоҳ Машраб биргина алифни ўргатган кишини ҳам устоз деб билганлар, агар шунга амал қилсам устозим юздан ошса керак,— дедим.

\* \* \*

Шоир Сирожиддин Саййид машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ҳақида яхши бир мақола ёзиб, охирда «Агар ҳазрат Алишер Навоий ўз ғазалларига айтилган бу ашулани эшитганларида эди, тўнларини ечиб, Шералининг елкасига ёпган бўлурдилар» деб яқунлабди. Бу мақола кўпларга манзур бўлди, бироқ Шералининг мухолифларидан бирига унчалик ўтиришмади.

— Сирожиддин жа муболага қилибдими,— деди кулиб,— яна денг Алишер Навоий Шералига тўн ёпармишлар. Тавба.

Шунда мен:

— Э, парво қилманг. Аввало ҳазрат Навоийнинг тўнлари кўп бўлган. Битта эскисини Шералига ёпсалар ёпибдилар-да. Қолаверса, Сирожиддинга айтамин, яна битта мақола ёзади, қарабсизки, ҳазрат Навоий Сизга ҳам биттасини ёпадилар,— дедим.

\* \* \*

Бир оксокол сайловда оғиз кўпиртириб мактанди.  
— Ишдан оламан деб овора бўласизлар. Билиб кўйинглар, мени илдизим сувга етган.

Шунда мен:

— Тўғри-ю устоз, ўша сув шўр-да. Илдизингизни чиритиши мумкин,— дедим.

\* \* \*

Дўстим, машхур рассом Телман Мухаммедов вафот этганда журналга таъзияномани ёзиш менга топширилди. Ездим. Унда жумладан «Ўзбек карикатура ва миниатюра санъатида ўзига хос мактаб яратган машхур рассом Телман Мухаммедов бевакт вафот этди» деган сатрлар бор эди.

Таъзияномани ўқиган Телманнинг ичи қора ҳамкасбларидан бири истехзоли кулиб, танбеҳ берди.

— Пех, Телман карикатура санъатида мактаб яратди, деб ёзибсиз... ахир у бир умр ичкиликдан бош кўтармаган бўлса, яна...

Шунда мен:

— Аввало Телманни ичкиликка ўргатган Сизга ўхшаганлар. Қолаверса, хафа бўлманг, Сиз ўлсангиз санъатда «дорилфунун» яратган эди, деб ёзаман,— дедим.

\* \* \*

Бухорода Темур Норов (Темур Норбек) деган шоир ва таржимон бор. Қоратўридан келган бақувват ва хушчақчақ йигит. Ака-укамиз. Темуржон дурадгор, шоир олим ва таржимонлиги етмагандек ашула ҳам айтади. Овози йўгон. Бир «Ҳой» деса салкам икки сонияга чўза олади.

Бир куни уйимизда давра бўлди. Темур Норбек ўзи ёзган шеърга ўзи куй басталаб, хониш қилди. Унинг «Ҳой»ига даврадагилар олқиш ёғдиришди. Уларга кўшилиб мен ҳам.

— Э, нимасини айтасиз, Неъмат ака,— деди у ийиб кетиб.— Мани ашуламни эшитган Баҳром ака, Сиз Пол Робсон дейди.

Шунда мен:

— Э, Баҳром ака бекорларни айтибди, Сиз Полний Робсон,— дедим.

Раҳматлик Ёдгор бахши Исҳоқов билан жуда яхши эдик. У киши «Муштум»нинг ҳам доимий меҳмони эдилар. Бир учрашувда ўз жанг хотираларидан ҳикоя қилиб қолдилар.

— Бир куни жангдан сўнг ўрмон чеккасида командиримиз уч-тўрт немис асирига мени қоровул қолдириб кетди. Орадан уч соат ўтди, тўрт соат ўтди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғу. Зерикиб кетдим. Қарасам ярадор асирлар пиш-пиш ухлаб ётишибди. Кел, бўёғи таваккал дея қўлимга дўмбирани олиб, бўғик овозда «Гўрўғли»дан айта бошладим... Ўзиям роса илҳом келган экан, билмадим бир соатми, икки соатми айтаберибман, айта берибман... бир вақт командир кеп қолдиёв... Қарасам, менинг бўғилиб, бўқириб айтишимдан қўрқибми, нетибми икки немис асири ўли... иб қопти...

Шунда мен:

— Бай-бай, ўзбек халқига қойил-э, қуйлашингизни қирк йил эшитсаям, ўлмасдан мазза қилиб юрибди,— дедим.

## МУНДАРИЖА

### МАНГЛАЙДАГИ ҒУРРАЛАР:

Қўл ҳаққи . . . . .	3
Купон . . . . .	6
Маком сўқмоқларида . . . . .	10
Ихтиро . . . . .	12
Ола пайпок . . . . .	17
«Фаросат» . . . . .	23
Айри . . . . .	25
Устара ёки кесмополитика . . . . .	33
Қитиғи ўлмаган киз . . . . .	34
Топилган-топганички . . . . .	39
«Милёнер» . . . . .	43
Мусобақа . . . . .	48
Бевафо «вафодор» . . . . .	51

### «ҚАЙТА ҚУРИШ» ХИКОЯЛАРИ ТУРКУМИДАН:

Қасал кишининг кулгуси . . . . .	53
Товон . . . . .	56
«Жавҳарлар жанги» . . . . .	62
Покланиш . . . . .	64
Маломат . . . . .	67
Пудрат . . . . .	72
Эзма . . . . .	76
Юхо . . . . .	78

### УСТОД ТАБАССУМИ

Совға . . . . .	81
Бир коп ғалла . . . . .	82
Қўштирноқ . . . . .	84
Калиш . . . . .	85
Дастор ва дастур . . . . .	86
Латта . . . . .	88
Чапак . . . . .	89
Сандал . . . . .	90
«Қасамхўрлар» . . . . .	91
Эчки сути . . . . .	92
Кекирдақ . . . . .	96

### ТАБАССУМ УЧҚУНЛАРИ

Эълон ва шарҳ . . . . .	81
Илтимоснома . . . . .	100
Давлат тилида . . . . .	101
Қайроқи гаплар . . . . .	102
Бармоқ . . . . .	102
Фойдали маслаҳатлар . . . . .	102
Шунда Мен . . . . .	103

НЕЪМАТ АМИНОВ

ҚИТИҒИ ЎЛМАГАН ҚИЗ

Ҳикоялар, ҳажвиялар,  
табассум учқунлари

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг  
Бош таҳририяти,  
Тошкент — 1994**

Мухаррирлар *А. Аҳмедов, Ш. Эргашева*  
Бадний безаклар *Ҳ. Содиқовники*  
Бадний муҳаррир *М. Аъламов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
*Мусаҳҳих З. Солиҳова*

Теришга берилди 28.02.94 й. Босишга руҳсат этилди 28.04.94 й. Бичими  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Адабий гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма листи  
5,88. Нашриёт ҳисоб листи б.1. Тиражи 50 000. Буюртма № 2697. Баҳо-  
си келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**